




# Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ



29 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси бошланди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов ҳисобот берди. Бу масала юзасидан Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Р.Каримов қўшимча маъруза қилди.

Ушбу масала муҳокама-сида Бўзатов тумани ҳокими А.Жуманов, “Анджон-гўштсутаноат” ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси П.Мамаков, Фарғона тумани марказий шифохонаси бош шифокори М.Мамажонов қатнашди.

Муҳокама этилган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари қонунчилик ҳокимияти вакиллари бўлган депутатлар мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг биринчи ярим йиллигидаги ижросини холис муҳокама этиши, бюджетнинг иккинчи ярим йиллигидаги ижросида ҳисобга олиш керак бўлган аниқ танқидий фикрларни билдириши лозимлигини таъкидлади.

Маъруза муҳокамасини Сурхондарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳузуридаги 13-қурилайётган корхоналар бирлашган дирекцияси директори Э.Донаев, Гулис-

тон шаҳридаги 4-мактаб директори Г.Латипова, “Халқ сўзи” газетасининг фотомухбири Т.Ҳамроқулов давом эттирди.

Молия вазири М.Нурмуродов берилган саволларга жавоб қайтаргач, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов миллий валютани мустаҳкамлаш борасида амалга оширилайётган чора-тадбирлар ва халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик истиқболларининг моҳиятини тушунтириб берди. Депутатлар давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” (янги таҳрири) ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунлар лойиҳаларини Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ маса-

лалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси муҳокама-сида Наманган шаҳри ҳокими М.Тожибоев, Когон ёғэкстракция заводи қурилиш дирекцияси директори М.Зайниев, Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Миллий Олимпия қўмитаси президенти А.Носиров, Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш институти Фарғона бўлими илмий ходими М.Раҳматов иштирок этди. Парламент янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунни маъқуллади ва уни жорий этиш ҳақида қарор қабул қилди.

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун

лойиҳаси юзасидан “Фидокорлар” миллий демократик партияси Марказий Кенгаши котиби, “Фидокор” газетаси бош муҳаррири ўринбосари А.Болиев, Косонсой тумани ҳокими У.Маматов, Хўжайли тумани деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ваколатхонаси раиси Х.Шерибоев ўз фикрини билдирди. Депутатлар “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунлар лойиҳаларини ҳам депутатлар муҳокамасига ҳавола этди.

ГАЗЕТАНИ  
ВАҚАЛАТАДА:

БУНДАН ЎН ИККИ  
ЙИЛ АВВАЛ

3-бет

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ  
МАСОФАДАН МУЛОҚОТИ

4-бет

УСТОЗИ АВВАЛ

5-бет

ЮТУҚЛАРНИ  
ТАҚРОРЛАЙВЕРИШ ҲЕЧ НАРСА  
БЕРМАЙДИ, АКСИНЧА...

8-бет

ЯНГИ МАВСУМГА  
ТАЙЁРГАЛИК

9-бет

SO'NGGI  
UCH KUN  
MUJDALARIOQSAROYDA  
QABUL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov AQSh Kongressi Vakillar Palatasi Qurolli kuchlar bo'yicha qo'mitasining harbiy ta'minot bo'yicha ichki qo'mitasi raisi Kurt Veldon rahbarligidagi bir guruh kongressmenlar delegatsiyasini qabul qildi.

## FARMON

O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 12 yilligi munosabati bilan davlat xizmatchilari hamda ishlab chiqarish va iqtisodiy-ijtimoiy sohalar xodimlaridan bir guruhi Prezidentimizning farmoniga binoan faxriy unvonlar, orden, medallar bilan taqdirlandi.

\*\*\*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoniga binoan mamlakatimiz mustaqilligining 12 yilligi munosabati bilan huquqni muhofaza qilish organlari, Davlat chegaralarini himoya qiluvchi qo'mita, Mudofaa va Favqulodda vaziyatlar vazirliklari xodimlaridan bir guruhi faxriy unvonlar, orden, medallar bilan mukofotlanishdi.

## QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori qabul qilindi.

# Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокамасида Булунгур тумани ҳокими Х.Боймуродов, Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси, Хоразм вилояти Хотин-қизлар қумитаси раиси Ш.Хужаниёзова, Олий Мажлисининг ёшлар ишлари қумитаси котиби Н.Қамбаров, Тахтакупир тумани "Тахтакупир" ширкат хужалиги бошқаруви раиси А.Адилов, Ангор тумани ҳокими Т.Ҳамроев иштирок этди. Депутатлар муҳокама этилган қонунни қабул қилиш учун овоз берди.

Сессияда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан Хатирчи тумани ҳокими Э.Турдимов, "Бухордонмахсулот" ишлаб чиқариш-акционерлик уюшмаси раиси Б.Бозоров, "Ўзбекистон матбуоти" журнали бош маҳаррири, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси Х.Дўстмухамедов, Қарши шаҳри ҳокими И.Асадов уз фикрларини

билдирди. Депутатлар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қумитаси раиси Н.Исмоиловнинг янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси буйича маърузасидан бошланди. Урганч давлат университети ректори А.Саъдуллаев, Тошкент молия институти ректори М.Шарифхужаев, "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамияти бошқаруви раиси — бош директори В.Кучеров, Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қумитаси раисининг уринбосари И.Ғофуров, Сарисие тумани ҳокими П.Мадиев, "Қизилқумнодирметаллотин" давлат концерни раиси Н.Кучерский иштирок этган муҳокамадан сунг, парламент мазкур қонун ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қумитаси раиси

М.Сафаева "Фидокорона хизматлари учун" орденини таъсис этиш тўғрисида маъруза қилди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги раиси А.Орипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири уринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қумитаси раиси Д.Ғуломованиннг чиқишидан сунг, депутатлар "Фидокорона хизматлари учун" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари қумитаси раисининг уринбосари Й.Жураев "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси буйича маъруза қилди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т.Қузиёв, Ромитан тумани ҳокими А.Нозимов, Қамаш тумани марказий шифонасининг бош шифокори А.Ғафуров, "Ўзбекинвест" миллий компаниясининг Фарғона вилояти шўба корхонаси директори А.Мўминов, Оқдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги 2-мактаб директори Ж.Исроилов

иштирок этди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Олий Мажлисининг Иқтисодий ислоҳ қилиш ва тadbirkorлик масалалари қумитаси раиси М.Умаралиев "Хусусий корхона тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Бу лойиҳа буйича "Совипластитал" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси бош директори А.Мелкумов, Томди тумани ҳокими А.Назаров, Шахрихон шаҳридаги "Ривож" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари К.Отахонов, "Ўзкимёсаноатлоийиҳа" лойиҳа-технология институти бош директори Ҳ.Назаров, "Лола-Узор" куп тармоқли хусусий фирмаси директори Х.Мирзаахмедов, "Бухоротурист" акционерлик жамияти раиси М.Зокиров сўзга чиқди. Депутатлар "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 30 август куни уз ишини давом эттиради.



Шогирдлар камолини кўриш уларни жамиятнинг фаол аъзоси этиб тарбиялаш устозлардан жуда катта масъулиятни талаб этади. Шунинг учун ҳам келажак авлодни тарбиялаётган мураббийлар малакали ва чуқур билимли бўлишлари лозим.

Ватан остонадан бошланади деганларидек фарзандлар тарбияси ҳам, аввало, оиладан қолаверса, болажонларнинг сеvimли маскани бўлмиш болалар боғчаларидан бошланади.

Суратда: Пойтахтимиздаги 53-МТМ тарбиячиси Матлуба Ҳакимова боғча болалари билан.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТУҲФА

Учкўприк туманидаги халқ таълими муассасаларини ҳашар йўли билан таъмирлаш, кўшимча бинолар кўриб бериш аънамага айланиб бормоқда. Янги ўқув йилига мавжуд 25 та мактабларни таъмирлаш, кўзги-қишқи мавсумга тайёрлаш учун фақат ҳомий ва оталиқ ташкилотлари томонидан 43 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Тумандаги 38-мактаб биносининг бир қисми яроқсиз аҳволга тушиб қолган эди. Бу ҳолат бир неча йиллардан буён ўқиш жараёнига салбий таъсир кўрсатиб келарди. "Истикбол" ширкат хўжалиги раҳбарияти ўз ҳудудида бўлган ушбу мактабга кўшимча бино кўриб бериш ташаббуси билан чиқди. Туман ҳокимлиги бу ташаббусни қўллаб қувватлади.

Мана орадан 5-6 ой ўтиб мактаб ўқувчилари учун янги 180 ўринли бино кўриб битказилди. Янги ўқув йилига туҳфа этилган мазкур бинони кўриб битказиш учун 30 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Бу ишларни "Истикбол" ширкат хўжалиги томонидан туман газлаштириш идораси газ билан таъминлаш ишларини беминнат бажариб беришди.

Ақромжон ТУРСУНАЛИЕВ,  
"Ma'rifat"нинг махсус  
муҳбири

# БУНДАН ЎН ИККИ ЙИЛ АВВАЛ:



## У ТУГИЛГАН ЭДИ

Хоразмлик Дилноза Рўзметова мустақиллик фарзанди. У 1991 йилда таваллуд топган. Дилноза айни пайтда Урганч шаҳридаги 19-мактабнинг аълочи ўқувчиларидан саналади. Унинг иқтидорини сезган муаллимлари Дилнозага вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёт методик Маркази қошидаги "Ёш қаламкашлар" тўғарагига қатнашишни тавсия қилганида талантили ўқувчи чин дилдан қувонди. Шушу мана, икки йилдирки, Дилноза мазкур тўғарак аъзоси. Унинг адабиёт, санъатга ихлоси баланд. Шу боис кичик хикоялари шеърлар ёзиб туриши билан бирга чиройли рақс ҳам тушади. "Истиқлол чечаклари" кўрик-танловининг республика босқичида голиб бўлган Дилноза Рўзметова истиқлол фарзанди эканидан ҳаммиша фахрланади.

"Конституция — бахтимиз пойдевори" кўрик-танловининг вилоят босқичида диктант бўйича 2003 йил голиби бўлган Дилнозага янада муваффақиятлар тилаймиз.

Ш.НИШОНОВ

Мамлакатимизда шу кунларда энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 12 йиллик шодиёналарини барча юртдошларимиз зўр бир кўтаринкилик билан нишонламоқдалар. Албатта, ўн икки йил тарих учун қисқа бир муддат бўлса ҳам унинг ҳар бир ватандошимиз тақдиридаги ўрни, аҳамияти ниҳоятда улкан. Уларнинг истиқлол имкониятларидан баҳраманд бўлиб, қўлга киритаётган ютуқлари юртимиз тараққиётини таъминлашга катта улуш бўлиб, қўшилмоқда. Бугун биз рамзий маънода бундан роппароса ўн икки йил аввал ҳаётимизнинг турли жабҳаларда ўз қизгин фаолиятларини бошлаган юртдошларимиз ҳақида, улар эришган муваффақиятлар хусусида сўз юритамиз.

## У МАКТАБГА БОРГАН ЭДИ

1991 йил 1 сентябрь мустақиллигимизнинг биринчи кунини. Айни шу кунини Зебунисо Исанова ҳам мактаб партасига илк бор ўтирди. Тўғри, Зебунисо фақат мактабга борганидан бахтиёр эди. Лекин, у кичик бўлганлиги учун ўша кунини Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлганлигини, унинг қанчалик аҳамиятга молик воқеа эканлигини тушунмаган бўлиши мумкин. Аммо, битта ҳақиқат борки, у мустақиллик одимлари билан баравар олдинга қараб қадам ташлади. Ўша дамда у яна шунини билмасдики, мустақиллик келажакда унга қанчалар имконият очиб беришини. Зебунисо мустақил Ўзбекистоннинг биринчи мактаб ўқувчисига ва илк битирувчисига айланганди. Бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб қилмайди. Шу залда ўқишни бошлади.


Зебунисо Исанова 1985 йил 4 апрелда Бухоро вилояти Шофиркон туманида туғилди. Оилада тўнғич фарзанд. Отаси ҳуқуқшунос. Онаси эса технолог. У мактабда ўқиш билан бир вақтда кўпгина ютуқларга эришди. Айниқса, Зебунисонинг ҳозирги ёшлар, уларнинг Ватан олдидаги фарзандлик бурчлари ҳақидаги ҳароратли ўй-фикрлари "Маърифат", "Тонг юлдузи", "Оила ва жамият" газеталарида мақола шаклида эълон қилинди. У кимё фанининг билимдони, шу билан бирга шеърят шайдоси ҳамдир. Компьютерни севиб бошқаргани каби, шеърлар ва газаллар ҳам битади. Унинг "Кимё фанидан олимпиада масалалари" номли қўлланмаси диққатга сазовордир. Кимё фани бўйича назарий билимларни янада мустақамлаш, кимёвий жараён ва қонуниятларни чуқур ўрганишда кимё



фанининг турли бўлимларига оид масалаларни ечишда бу китобнинг аҳамияти каттадир. 2002 йилнинг май ойида Боку шаҳрида ўтказилган 34-халқаро Менделеев олимпиадаси иштирокчиси бўлиб, совриндор бўлган ва махсус диплом билан тақдирланганди. Унинг масала ва тест топшириқлари ушбу олимпиадага тавсия этилди. Ушбу қўлланма мактаб, лицей ва олий ўқув юртига кирувчилар учун зарур қўлланмадир.

Унинг "Кимё фани фидойилари" номли risolаси шунчалик аҳамиятлики, бу risolада ўзбек кимёгарларининг кимё фани ривожланишида тутган ўрни мисоллар билан яққол очиб берилган. Зебунисонинг ҳаётдаги энг катта ютуғи 2001 йилда фан йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритиши бўлди. Ҳозирда у Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетида таҳсил олмоқда.

Ш.АҲМАТОВ



1991 йил. Бу — орзунинг рўёби, ниятнинг ушалиши. Талабалик... Абитуриент ўз тақдири қайси томонга ҳал бўлишини аввалдан билмайди. Аммо, Нодиржоннинг ўзига нисбатан ишончи иккиланишига йўл

## У ТАЛАБА БЎЛГАН ЭДИ

бермас эди. Тошкент шаҳридаги 219-мактабни кумуш медал билан битирган жиккаккина йигитчанинг бундай муваффақиятга эришишига синфдош ва устозлари ҳам башорат қилишарди.

Тошкент молия институти кредит-иқтисод факультети талабаси Нодиржон Жумаев тенгқурларидан зукколиги, илм эгаллашга ташналиги, тиришқоқлиги билан ажралиб турар, айрим ёшлар сингари диплом учун эмас, етук мутахассис бўлишнинг барча имкониятларини ахтариб ўқирди. Энг муҳими ҳам шу, ҳамма жойда дипломли нўноқ кадрнинг паттасини қўлига тутқазишди. Ўз соҳасининг билимдони эса ҳамма жойда кучок очиб, қарши олинади.

Институтни тамомлагач, Нодиржон Жумаев марказий банкда ишлаш билан бирга илмий тадқиқот олиб боришни дилига тугди. Тўғриси, бу мўлжал талабалик давриданок тинчлик бермас эди. Янгидан ташкил топган мустақил давлат — Ўзбекистонда пул муомаласи билан боғлиқ ислохотлар давом этар, аммо бу соҳада илмий изланишлар олиб борилмаган эди.

Шу тариқа ёш мутахассис 1997 йилда Тошкент молия институти аспирантурасига қабул қилинди. Мавзу эса маълум: "Ўзбекистонда валюта

муносабатларини тартибга солиш йўллари". Кўп йиллик заҳмат, машаққат... Ўқиб-ўрганиш. Адабиётларни титкилаш. Сўраш. Ёзиб-чизиш, ўчириш, хуллас, тадқиқотчилик машаққати.

Ўша уринишларнинг махсули — иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси Нодиржон Жумаевга 2002 йилда насиб этди. Бу — унинг ҳаёти билан боғлиқ галдаги муваффақият.

Ҳозирги вақтда у институт "Молия" кафедраси ўқитувчиси. Шу вақтга қадар "Марказий банк монетар сиёсати" (2002) қўлланмаси, "Халқаро молия муносабатлари", "Чет мамлакатлар молияси" (2003) дарсликларининг (хаммуаллифликда) юзага келиши учун елиб-югурди.

Илм-маърифат аҳлининг дунё кезишига миллионлаб мисоллар бор. Тошкент молия институтининг ёш ўқитувчиси Нодиржон Жумаев дунёнинг уч қитъасида қисқа муддатлик малака оширишларда бўлиб қайтган: Япония, Буюк Британия, Америка.

Инсоннинг ўз тақдирини илм билан боғлаши, катта-кичик ютуқларга эришиши ва бундан мамнунлик туйиб яшаши... Ҳаётдаги энг гўзал ва жозибадор ҳикмат худди шунинг ўзи.

Ҳ.ТҶИМАНОВА

1991 йил 1 сентябрь. Улуғ Истиқлолнинг илк тантаналари республикамиз пойтахтида ўзгача шоду хуррамлик билан нишонланди. Бу шукуҳли байрамда қатнашиш бахти шу йили Тошкент маданият техникумини тугатиб, Кармандаги "Тули" ашула ва рақс ансамблида меҳнат фаолиятларини бошлаган Малика Жабборова ва Ором Ғойиповаларга ҳам насиб этганди. Хуррият байрами ҳам раққоса, ҳам мураббиа қизларга бир олам сурур, илҳом ҳада этди. Улар мустақиллик тантаналаридан қайтишгач, миллатимизнинг беқиёс бахтиёрлигини ифодаловчи "Истиқлол" номи билан рақс дастаси тузиб, истеъдодли ёшларни йиға бошлашди. Кўп ўтмай "Навоий-азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройидаги бу даста Навоий шаҳридаги барча мактабларда таҳсил олаётган қизларнинг сеvimли гўшасига айланди. Малика билан Ором эса ўқув масканларида тез-тез учрашувлар ташкил этиб, қобилиятли қизларни дастага таклиф этар, қизлар билан қайта-қайта



машғулотлар ўтказишдан толиқишмасди. Ижодкорона меҳнат ва изланишлар ўз самараларини кўрсата бошлади. 1996 йил даста "Намунали болалар ансамбли" унвонига эга бўлди. Шу йили Тошкентда бўлиб ўтган "Ўзбекистон — Ватаним маним" республика кўрик-танловида фахрли 2-ўриннинг "Истиқлол" қизларига насиб этиши, уларни янги-янги изланишлар сари чорлади. Маҳоратли мураббийлар Малика ва Ором шоғирдларига ўзбек миллий рақслари билан бирга бошқа турли халқлар рақсларини ҳам қунт билан ўргатишиб,

## УЛАР МУРАББИЙ БЎЛИШГАН ЭДИ

ажойиб концерт дастурларини тайёрлашди. Бу дастурлар республикамизнинг қатор вилоят ва шаҳарларида, Қирғизистон Республикасида ўтказилган ижодий сафарларида намойиш этилиб, мухлислар томонидан илиқ қарши олинди. "Истиқлол" республикамизнинг турли бурчакларида бўлиб ўтган ва ўтаётган қутлуғ саналарда ўзининг гўзал чиқишлари билан қатнашиб, томошабинлар эътиборини тортмоқда.

1997 йил даста тарихида ўчмас из қолдирди. "Истиқлол"га халқ ансамбли унвони берилди.

... Орадан йиллар ўтди. Малика ва Ором рақс оламига бошлаб кирган ўнлаб қизлар санъат йўлини ихтиёр этишди. Кўпчилиги ўзлари устоз бўлиб, ёшларга мусиқа имидан сабоқ бермоқда. Айримларининг эса санъатнинг беғубор олами қалбларига муҳрланиб, турли соҳалар фидойиларига айланишди. Ҳамон вилоят, республика миқёсида ўтаётган турли танловларда "Истиқлол" қизлари муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Юртимизнинг, миллатимизнинг олий неъматли истиқлолдан нур эмиб, камол топаётган "Истиқлол" санъат шайдаларини бағрига чорлайверади. У ерда Ватанимизнинг хурриятли кунлари билан тенгдош иш бошлаган устозлар — Малика Жабборова ва Ором Ғойиповалар қалблардан қалбларга юртга муҳаббат, фидойилик туйғуларини жозибали рақслар орқали йўллашдек шарафли ишда толмай меҳнат қилишмоқда.

Ойбуви ОЧИЛОВА



## 31-avgust — Qatag'on qurbonlarini yod etish kuni

XIX asr oxiri XX asr boshlarida milliy maorif tizimining isloх этилиши ва усули жадид мактабларининг пайдо бўлиши ўзбек маданияти тарихида улкан воқеа бўлди. Гарчи мадраса Шарқда узоқ асрлар мобайнида кўплаб машхур олимлар, ёзувчилар ва бошқа соҳа вакиллари етиштириб берган бўлса-да, XIX асрнинг ўрталарига келиб янги тарихий давр талабларини эътиборга олган ҳолда, Шарқ таълим тизимини ислох этиш, мактаб ва мадрасаларнинг ўқув дастурига янги фанларни киритиш ҳамда ўқув-ўқитув методини тубдан ўзгартириш зарурати туғилди. Шу даврда майдонга келган жадидчилик ҳаракати намояндалари бу гоят муҳим ишни бажаришни ўз зиммаларига олдилар.

Одатда усули жадид мактаблари тўғрисида сўз юритилганда, бошқа маърифатпарварлар қатори Саидрасул Азизий номи ҳам тилга олинади.

Саидрасул Азизий бундан 135 йил муқаддам, 1868 йили Тошкент шаҳрининг Баланд масжид маҳалласида дунёга келган. Унинг отаси Саидазизхўжа араб ва форс тилларини мукаммал билган, замонасининг илм-маърифатли кишиларидан эди. Саидрасул болалик ва ёшлик кезларида Шайхонтохур даҳасидаги бошланғич мактабда, сўнг шу даҳадаги мадрасада Маҳмуд дастурхончининг кўлида ва айни пайтда 1-рус-тузем мактабида таълим олган. Мадрасани тугатган Саидрасул замон оқимининг ўзгаргани, Туркистоннинг рус мустақимлигига айлангани сабабли ўлкада сезилар-сезилмас руслаштириш ва руслашиш жараёнлари бошланганини сезади. У Фурқат ва Аҳмад Дониш каби шу жараёндан ўзбек халқининг маданияти, илм-фани ва техникасини ривожлантириш йўлида фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблайди.

С.Азизий XIX аср oxiri XX аср бoshларида рус тилини ўргана бошлаган кезларини эслаб, 1910 йили "Туркистон вилоятининг газети"да эълон қилган мақоласида бундай ёзган эди: "Иттифоқо менинг кўлимга Русия алифбоси тушмак ила гоҳи авқот маҳалда анга назар солиб, бирор муаллим ҳузурда касб қилмасам ҳам, Русия хатини ўқимок ва чиройли бўлмасам ҳам ёзмокча қодир бўлган эдим".

С.Азизий гарчи рус тилида эркин сўзлашиш ва чиройли ёзиш малакасини мукаммал эгалламаган бўлса-да, рус маърифатпарварларининг илгор тажрибаларини ўзлаштиришга ҳаракат қилди. У шу йилларда Туркистонда фаолият олиб бораётган С.М.Граменицкий билан танишиб, унинг педагогик тажрибасини ўрганди. С.М.Граменицкий (1858-1919) Сирдарё (ҳозирги Тошкент) вилояти халқ билим юртининг мудри бўлиб, Туркистондаги приход(черков) билим юртли ва рус-тузем мактаблари учун тузган дастурлари, шунингдек, мазкур мактаблар учун яратган "Биринчи ўқиш китоби", "Иккинчи ўқиш китоби", "Учинчи ўқиш китоби" сингари дарслик ва ўқув кўланмалари билан С.Азизийнинг эътиборини қозонди. С.Азизий бу ўқув дастурлари, дарслик ва кўланмаларидаги янги педагогик ёндашув ва тамойилларнинг миллий мактабларда ҳам яхши самара бериши мумкинлигини тушунди. Ҳамкасбидаги бундай қизиқишни сезган С.М.Граменицкий унга рус-тузем мактабларининг ўзбек синфлари учун "Устози аввал" ("Биринчи устоз") алифбе китобини яратиш вазифасини топширди. Шу таразда С.Азизийнинг Туркистонда усули савтия мактабларининг ташкил этилишида муҳим аҳамиятга молик бўлган ва бу мактабларнинг илмий-методик асосларини белгилаб берган дарслиги майдонга келди.

Авалло шунини айтиш жоизки, Саидрасул Азизий ўзининг ижодий-педагогик фаолиятини шоир сифатида бошлаган. Унинг "Азизий" тахаллуси билан ёзган шеърлари талайгина. Ўтмишда мадраса таълимини пухта эгаллаган, Шарқ мумтоз адабиётини яхши билган кишилар одатда бир-икки дафтар ғазал ёзиб, шеърятда ўз кучларини синаб кўрганлар. С.Азизий ҳам шунга уринган. Аммо у кейинчалик ўз ҳаётини маориф ишлари билан чамбарчас боғлади. Бошқа маърифатпарвар ватандошларидан фарқли равишда, кўпроқ рус-тузем мактабларида ўқитувчилик қилди.

"У рус-тузем мактабларида дарс бериш жараёнида, — деб ёзади ўзбек педагогикаси тарихининг билимдонларидан Улуғбек Долимов, — ундаги ўқитиш методикаси ва таълим-тарбия системаси билан эски мактаб орасидаги таққослаб бўлмайдиган фарқни кўрди. Маърифатпарвар педагог ҳамма томонлари билан шу мактабга ўхшаб кетадиган маҳаллий

мактаблар ташкил қилишга киришди. У ишни ўзининг педагогик фаолиятидаги тажрибаларини умумлаштиришдан, рус-тузем мактабидаги методика ва таълим-тарбияни маҳаллий мактабларга мослаб ишлаб чиқишдан бошлади. Унинг "Устози аввал" китоби мана шу ҳаракатларнинг маҳсули сифатида юзга келди. Азизий бу мактабларни "Усули савтия (товуш усули) мактаблари", деб атади. Бу мактаблар кўп жиҳатдан гуманистик ва эркин тарбия асосига қурилган, дунёвий ва илгор рус илм-фанини болаларга ўргатишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган, ёшларга мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралаша олиш қобилиятини сингдирадиган ҳақиқий халқ мактаблари эди. "Усули савтия" ва "Устози аввал" ўзбек мактаби тарихида, ўзбек педагогикаси ва методикаси тарихида реформа ясади ва Азизий унинг асосчиси сифатида шухрат топди".

Улуғбек Долимов "эски мактаб" деганда, шубҳасиз, мадрасани назарда тутган. Рус-ту-

ган, деган фикрга келишимиз мумкин. Негаки, оддий рус-тузем мактабларида полковник Ягелло сингари қилни қирқ ёрадиган чор офицерларнинг машғулотлар олиб бориши ва бу мактабларнинг Сирдарё(Тошкент) вилояти маориф бўлими эмас, балки Туркистон ҳарбий округи штаби ҳузурда ташкил этилиши ақл бовар қилмас ҳодисадир.

Тошкентлик маърифатпарварлардан бири Илҳом Одиллий 1930 йил 14 февраль кuni тергов пайтида С.Азизийни 1913 йилдан бери билишини айтган. Унинг маълумот беришича, шу вақтда Туркистон ўқитувчилар семинарийсида хизмат қилган С.Азизий А.Н.Остроумов томонидан кўллаб-қувватланган ва чор ҳукумати вакилларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган киши эди. А.Н.Самойлович билан яқин алоқада бўлган С.Азизий дўсти муҳаррирлик қилган "Туркистон вилоятининг газети"да қатор мақолалар эълон қилган. А.Н.Самойлович С.Азизийни ўзи мудир бўлган Туркистон ўқитувчилар семинарийсига ишга таклиф этиб-



дан чиқиб, "Фуқаро" жамиятини ташкил этдилар", деган эди С.Азизий 1929 йил 15 ноябрда берган кўрсатмасида. С.Азизийнинг айтишича, "Фуқаро" жамияти фаолияти 1928 йилга қадар давом этган ва бу жамият гарчи турли номлари остида фаолият олиб борган бўлса-да, асосан, диний ишлар бошқармаси вазифасини бажарган. "Уламо" жамияти аъзоларининг сони С.Азизий берган маълумотга кўра, 50-60 киши ўртасида бўлган.

Қизик бир факт. 1917 йил октябрь воқеалари арафасида "Уламо" жамияти Тошкент шаҳрини муҳофаза қилиш учун махсус милицияни ташкил этиш масаласини кўтарди. Шаҳар милицияси бошлиғи лавозимига С.Азизий номзоди кўрсатилди. У бу лавозимдан бош тортгани учун унинг ўрнига Тўлаган охун шаҳар милицияси бошлиғи этиб тайинланди. Тўлаган охун Эски шаҳар маҳалла раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари билан шаҳар милицияси таркибида ишлаш учун тўпланган 300-400 кишидан 100 нафарини танлаб олади ва маҳаллий ҳокимиятдан бу 100 нафар кишини қуроллантиришни сўрайди. Маҳаллий ҳокимият Тўлаган охуннинг илтимосига рад жавобини беради. Шундан сўнг Октябрь тўнтариши рўй беради. Бухорода таҳсил кўрган ва Шайхонтохур мадрасасида мударрислик қилган охун қаердан қурол топиб, йигитлари билан советларга қарши курашмокчи бўлади. Лекин, Осипов кўзголови пайтида қамокқа олиниб, режалари узил-кесил барбод бўлади.

С.Азизий 1920 йилга қадар муаллимлик фаолиятини давом эттирган. Сўнг 1923 йилга қадар халқ судьялари кенгаши ва Адлия ишлари халқ комиссарлигида хизмат қилган. 1923 йилдан нафақага чиққунга қадар (1927) Архив ишлари марказий бошқармасида архивариус вазифасини адо этган.

С.Азизий 1929 йил 5 ноябрда чор ҳокимияти идоралари билан ҳамкорлик қилгани учун қамокқа олинади. Тергов жараёнида гувоҳ сифатида қатнашган кишилардан бирининг айтишича, Саидрасул Азизий "аҳолига мурожаат этиб, большевикларни босқинчи сифатида таъриф-тавсиф этиб, аҳолини Совет ҳокимиятига бўйсунмасликка чақирган. Осипов кўзголови пайтида Эски Жувада бўлиб ўтган намойишда Совет ҳокимиятига қарши нутқ сўзлаб, аҳолини большевикларга қарши чиқиб ва осиповчиларга ёрдам беришга даъват этган. Кўзголон тор-мор этилгандан кейин укаси билан Бухорога қочиб, орадан бирмунча вақт ўтгандан кейин қайтиб келган ва Яланғоч қишлоғида деҳқончилик билан машғул бўлган. Ер-сув ислоҳоти вақтида эса бой сифатида тазйикқа учраган".

1930 йил 23 февраль кuni С.Азизийнинг "жиноий иши" бўйича тузилган қарорда унинг чор оҳанқаси билан ҳамкорлик қилгани, натижада "миллий инқилобий ҳаракат"нинг "айрим вакиллари"и қувғинга учрагани айтилган. С.Азизий ўзига қўйилган бу айбларни тамомла рад этган. Шунга қарамай, таниқли маърифатпарвар 1930 йил 23 апрель кuni концентратив лагерда ўташ шарти билан 5 йилга қамалган ва баъзи бир манбаларда айтилишича, 1933 йил 3 февралда вафот этган.

Ўзбек жадид мактабига тамал тошини қўйган маърифатпарварлардан бири — Устози аввалнинг тақдири шундай фожеали яқунланган.

Наим КАРИМОВ

Суратда: Саидрасул Азизий невараси Маҳмудхон билан.

# УСТОЗИ АВВАЛ

зем мактабларидаги ўқитиш методикаси ва таълим-тарбия тизими билан мадраса таълими ўртасида, чиндан ҳам "таққослаб бўлмайдиган фарқ" бўлган. Аммо, олим бу сўзлари билан рус-тузем мактабларидаги таълим савияси ва даражасини мадраса таълимидан беҳад даражада юқори қўймоқчи эмас. Рус-тузем мактабларидаги таълим ва тарбия, биз ўйлаганимиздек, фавқуллодда катта самара бермаган. Шу тоифадаги мактабни тугатган ватандошларимиз, Беруний ва ибн Синолардек, билим доираларини хусусий мутлоаа йўли билан бойитганлар ҳамда машхур олимлар ва адиблар қаторидан ўрин эгаллаганлар. С.Азизийнинг катта хизмати эса рус-тузем мактабларидаги илгор тажрибани ўзбек мактабларига олиб киргани ва ўзбек маърифатпарварлари аъналарини Европа педагоглари тажрибаси билан бойитганидир.

С.Азизийнинг жадид мактабларининг шаклланиш тарихидаги ўрни, асосан, "Устози аввал" китоби билан боғлиқ. 1902—1917 йиллар мобайнида 16 мартаба нашр этилган бу китоб Исмоил Гаспринскийнинг "Таржумон" газетаси орқали етиб келган педагогик қарашлари билан бирга, Туркистонда усули савтия мактабларининг пайдо бўлиши ва қанот ёзишда муҳим роль ўйнади. Биринчи синф ўқувчиларига мўлжалланган бу китоб алифбе вазифасини ўтабгина қолмай, айни пайтда шеърини ва насрий асарлари билан ўқувчиларда яхши хулқларни тарбиялашдек хайрли вазифани ҳам бажарди. Муаллиф "Устози аввал"нинг "Ўқиш китоби" қисмига халқ оғзаки ижоди ва Шарқ адабиёти намуналари билан бирга И.А.Крилов ва Л.Н.Толстойнинг айрим масал ва ҳикояларини киритди. Шунингдек, ўзи ҳам бу китоб учун ахлоқий-дидактик мазмундаги бир қатор ҳикоялар ёзди.

Педагогика тарихига оид манбаларда айтилишича, С.Азизий асосан рус-тузем мактабларида ўқитувчилик қилган ва педагогик фаолиятини 1900 йили ўзи таҳсил кўрган 1-рус-тузем мактабида бошлаган. Аммо, 1930 йилда ҳибсга олинган С.Азизий тергов пайтида педагогик фаолиятининг бошланғич даври тўғрисида маълумот бериб, бундай сўзларни айтган: "Мен 1901 йилдан 1906 йилга қадар Туркистон ҳарбий округи штаби қошидаги тайёрлов мактабида рус ва ўзбек тилларидан амалий машғулотларни олиб борганман. Форс тили назариясидан дарс берган полковник Ягеллодан ташқари ҳеч ким билан алоқада бўлмаганман".

Биз бу сўзлардан С.Азизийнинг, биринчидан, рус-тузем мактабларидан ташқари Туркистон ҳарбий округи штаби қошида ташкил этилган тайёрлов мактабида ҳам хизмат қил-

гина қолмай, ҳатто Блюмер сингари чор генераллари билан таништириб ҳам қўйган. Истеъфога чиққан генерал Блюмернинг таклифи билан С.Азизий 1910 йили Москва ва Петербург шаҳарларида саёҳатда бўлиб, "Шимолий Венеция"даги рус санъати обидалари билан танишган.

Орадан кўп ўтмай, биринчи жаҳон урушининг бошланиши, айниқса, 1917 йил Февраль инқилобининг содир бўлиши С.Азизий яшаётган романт оламни остин-устун қилиб юборди. Февраль инқилобидан кейин тошкентлик маърифатпарварлар "Шўро ислом" жамиятини тузадилар. С.Азизийнинг айтишича, уларнинг бирдан-бир мақсади, мадраса (улар сони 14 та бўлган) таълимини ислох этиш эди. Бунга қарши чиққан мударрислар ўзаро бирлашиб, мадрасалардаги эски тартибни сақлаб қолишга интилганлар. Бу вақтда "Шўро ислом"нинг мавқеи катта бўлгани учун жамият бу мударрисларга қарши курашишни ўзига эп кўрмайди ва узоқ давом этган музокарадан сўнг уларнинг 12 вакилини биргаликда ишлаш учун ўз кенгашига аъзо қилиб олади. Аммо, орада низо чиқиб, "Шўро ислом" жамиятига аъзо бўлиб кирган мударрислар, шу жумладан, С.Азизий бир ойдан кейин жамиятдан ҳайдаб юборилди ва улар, ўз навбатида "Уламо" жамиятини тузадилар. Янги жамият ўз олдига мударрис ва имомлар манфаатини ҳимоя қилишни, мударрисларнинг мадрасага ишга тайинланишини, ойлик маошлар, вақф бошқармасига қарашли мол-мулк ва ундан тушадиган даромадни назорат қилишни вазифа қилиб қўяди.

12 нафар "уламо"чи мударриснинг "Шўро ислом"дан ҳайдалиши афкор оммада бу жамиятга нисбатан норозилик кайфиятини уйғотади ва омма "уламо"чиларга нисбатан хайрихолик билдирди. Кўп ўтмай, омма ўртасида обрў-эътибор қозонган "Уламо" жамияти "шўро ислом"чиларнинг фаолсизлигидан фойдаланиб, шаҳар думасига сайлов бўйича тузилган ташкилий комитетга ўз вакиллари яратди. 60 га яқин "уламо"чи сайлов вақтида шаҳар думасига аъзо этиб сайланди. Шаҳар думасининг янги аъзолари орасида "Уламо" жамиятининг раҳбарларидан бири, Саидрасул Азизий ҳам бор эди.

Аммо кўп ўтмай, Октябрь тўнтариши содир бўлиб, шаҳар думаси тарқатиб юборилди. "Уламо" жамияти Октябрь воқеалари арафасида фақат дин масалалари ва шариат талқинларига бағишланган журнални чиқара бошлади. 1918 йилга қадар нашр этилиб, сўнг Миллий ишлар халқ комиссарлигининг қарори билан ёпилди. Журнал билан бир вақтда "Уламо" жамияти жойлашган бино ҳам муҳрланди.

"Уламо" жамиятининг фаолияти давомида аъзолар ўртасида турли-туман низолар пайдо бўлиб турди... Баъзи бир аъзолар ташкилот-

Кўшкўпир туманининг "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги худудидаги "Шихмашҳад" қишлоғи аҳлига байрам совғаси сифатида 320 ўринли янги мактаб тухфа қилинди. Янги

маскани биносини қурдириб бериш қаторида уни тўла жиҳозлаб бергани барчамизни қувонтирди, — дейди туман ХТБ мудир Бектурди Соьбиров. — Айниқса, бундай қулай-

## ҚЎШКЎПИРДА ЯНГИ МАКТАБ

мактаб қурилишига Хоразм вилояти "Орол бўйи" дирекцияси раҳбари ўринбосари Рустамбой Аvezов бевосита бош-қош бўлди.

— Фидойи инсон Рустам Аvezов ҳамқишлоқларига икки қаватли илм

ликдан қишлоқ болалари хурсанд. Сабаби улар илм сабоғини янги мебеллар, стол, стул, парталар билан жиҳозланган кенг ва ёруғ синфхоналарида бошлашади.

Қ.МАТҚУРБОНОВ



Хурматли ота-оналар, Сизни чин юракдан табриклайман! Азиз фарзандингиз ўқувчи бўлди. Сиз бу дамларни қанчадан бери орзиқиб кутдингиз-а? Фарзандингизни қўлидан ушлаб, илм масканига шошилмоқдасиз. Қалбингизда не-не орзу-умидлар... Болам ана шу табаррук даргоҳда илм, маърифатли бўлиб, яхши инсонлар қаторидан жой олса, кексайганимда бизга меҳрибон бўлади... Бу ўй-фикрлар ҳар бир ота-она қалбидаги илиқ туйғулардир.

Биринчи кўнгирак жаранги Сизни тўлқинлантириб юборди. Фарзандингизни биринчи ўқитувчисига топшираётган дамлар... Бу жараёнларни таърифлашга сўз етмайди. Биринчи дарс... Болам синфда, дарсда ўзини қандай тутди экан? Балки Сиз ҳали мактаб остонасидан кета олмай, танаффусгача уни кутгандирсиз? Ўқитувчига биринчи савол билан мурожаат этгандирсиз. — Ўғлим тинч ўтирдими?

— Ҳа, ўғлингиз жуда яхши бола экан, — деган бир оғиз сўз Сизни кўнглингизга кўтаргандек, гўё...

Азиз ота-оналар, Сиз кутган дамлар, ўқитувчининг фарзандингиз ҳақида айтган илиқ сўзларини эшитиш насиб этгани билан табриклайман! Чунки Сиз шуларга сазовор бўлдингиз. Фарзандингизни тоқат қилиб, бир неча йил мактабга тайёрлаб келдингиз. Энди Сизнинг умидларингиз тез орада рўёбга чиқади. Ўғил-қизингиз 1-синфда муваффақиятли ўқиб кетади. Шуни ёдда тутингки, бола болада. Ҳали уни шўхлик, бебошлик тарқ этмаган. Гоҳо ўқитувчининг танбехларига дош беролмай, йиғлайди, аразлайди, сизга шикоят қилади. Шундай пайтларда Сиз зийрак бўлишингиз, боланинг ёнини олиб ўқитувчини қораламаслигингиз керак. Ҳеч қачон ўқитувчи болага қўпол муносабатда бўлмайди, нима бўлса ҳам у болани дастлабки ўқув ҳафталарида мактаб ҳаётига кўникириш, интизомли бўлиш, жамоа орасида ўзини туттишга чорлайди. Шундай пайтда Сиз ўқитувчининг ёнида ҳамкор, ҳамнафас бўлишингиз зарур. Вазминлик билан ҳар қандай вазиятдан чиқишга, болани

ўқиши, ўрганишига яқиндан ёрдам беришингиз керак.

Билинг, Сиз бир фарзандингиз учун қайғурмоқдасиз. Ўқитувчи эса синфдаги 30-40 бола тақдирини учун қайғуради, бу осон эмас. Айниқса, ўқув йилининг бошларидаги 1-синфдаги ташкилий ишлар, ҳар бир боланинг руҳиятини ўрганиб, унга муносабат қилишининг ўзи бўлмайди. Ҳали ихтиёрий

бериш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни олганларида — болалар, бугун Сизга Президентимизнинг совғаларини топшираман, — деб ўқувчиларнинг қизиқишларини ошириб, — мана, булар чиройли китоблар, дафтарлар, ўқув қуроллари. Буларни яхши сақлашга ваъда беринглар ва бу совғалар учун Юртбошимиз Ислам Каримовга раҳматлар айтинг деб ўқувчиларга совға тарқатилади. Бу дамлар ўқувчилар хотирасида сақланиши, уларда ўқиш-ўрганишга иштиёқ уйғониши керак.

Асосий дарслар бошланади, болалар ўрганиб олган ҳарфларни айтадилар. Ўзишга ўргатишининг ўзига хос қийинчиликлари бор. Болада ҳали рунка, қалам ушлаш ўқувчи бўлмагани учун ўқитувчи уларнинг қўлларини ушлаган ҳолда ҳар бирига ёзишни ўргатади. Болаларнинг кўриш, чамалаш, таққослаш, эслаб қолиш, хотираси тарбияланади. Уларнинг ихтиёрий диққати, ирода сифатларини мустаҳкамлаш ишларининг машқлар тизими бошланади.

Инсон тана аъзолари ҳар қимда ҳар хил бўлиши табиий. Булардан бири чапқайлик. Синфда чапқай болалар

ришга муваффақ бўладилар. Математик билимларни эгаллаш учун бола мактабга келгунга қадар катта-кичик, баланд-паст, кенг-тор, тўртбурчак, учбурчак, квадрат деган тушунчаларга эга бўлиб, 1-синфда сонларни ўрганишга уларни кўйиш, олиш, бўлишни билиб оладилар.

Расм чизиш, ашула айтиш, жисмоний тарбия, атрофимиздаги оламни ҳис ва идрок этишга ўргатилади. Ўқитувчи синфда ўрганиб улгурмаганларга уй вазифаси бера бошлайди. Бу ҳам ўзига хосликка эга бўлиб, бола дастлабки вазифаларни қунт ва чидам билан бажаришга ўрганиши керак. Агар бола бу жараёнларда қийналиб қолса ота-она, катталар унинг руҳини кўтариб, бир оз ёрдам бериб боришлари зарур. Бу деган сўз хатини ёзиб бериш ёки мисол ва масалаларни ишлаб бериш эмасдир. Агар бола вазифаларни кўнгилдагидек бажармаса, эртаси кун мактабга бормасликка ҳаракат қилиб, турли важлар топади, "касалман", "бошим оғрипти" дейди, йиғлайди, хархаша қилади. Болани бу ҳолатдан олиб чиқиш анча мушкул бўлади. Бола се-

даний тутиш, уйга келгач, кўрганларини айтиб беришга ўргатиш, бола фаолиятини фаоллаштиришга имкон беради. Фаол бола ҳар қандай шароитда, дарсда, дарсдан ташқари вақтларда ўз-ўзини идора қила оладиган, ўз фикрига эга бўлиб, ўса бошлайди. Болалардаги лоқайдлик уни руҳий томондан эзилишга мажбур қилади.

Ўқитувчи синфда барча болаларга ДТС талаблари асосида дарс ўтади, ўргатади. Нега 30-40 боладан бир нечтаси улгурмовчилар қаторидан жой ола бошлайдилар? Бунда мен педагог сифатида ота-оналарнинг бола тарбиясига эътиборсизликларининг оқибати деб ҳисоблайман.

Бола ўзлаштирмайдими, нега унинг сабабини вақтида суриштириб, уни олдини олиш чораси кўрилмади?

Ўқитувчи бир шахс, сиз ота-оналар кўпчиликсиз, боланингизнинг тақдирини ўйлаб, ўқитувчига бу борада ёрдам беришингиз лозим.

Синфда содир бўладиган энг муҳим масалалардан бири, ўзлаштирувчилар, яъни аълолдан ва ўзлаштирилмай қолаётган болалардир. Кичик ёшдан бир-бирининг муваффақиятини кўролмаслик каби иллат пайдо бўлади. Кўпинча ўзлаштирувчилар инжиқ бўлиб асабийлашадилар. Дафтарларини йиртиб, қалам, ручкаларни отиб, ўзини ҳақ эканлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Айрим ота-оналар бу ҳолатни кўриб, болам руҳий касалликка чалинибди, деб психиатрга борадилар. Лекин бу ҳолат ўткинчи бўлиб, болага тўғри муносабат қилиш, уни тушуниш орқали даволанади.

Болани фақат ўқиш, ўрганишга ундайвериш ҳам мумкин эмас. Унинг ёшига, имконият даражасига қараб, уй ишларини бажаришга ҳам ўргатиш, бажарган юмушларини баҳолаш, яна янги топшириқлар бериш унинг фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Меҳнатга ўрганган бола ҳар ишга, шунингдек, ўқишда ҳам фаол бўла бошлайди.

Миллий руҳ, миллий кайфият болага ҳамроҳ бўлиши учун унга миллизмизнинг илдизлари бўлган машҳур кишилар ҳақида гапириб бериш, уларнинг қолдирган хазиналари, китоблари, уларда битилганларни бола тилига яқин қилиб сўзлаб бериш фойдалидир. Болани изланишга, ўйлашга, мушоҳада қилишга ўргатиш учун унга саволлар бериш, ёшига мос тестларни бажаришга ундаш, ижодкорлик уқувларини пайдо қилишга доир ўйин-машқлар ташкил этиш фойдали. Зеро, бола XXI асрда фаол фаолият кўрсатиши учун ота-оналар, педагог ва тарбиячилар ҳамкорлик педагогикаси асосида ўз ишларига ёндошсалар қўтилган мақсадлар амалга ошади деб умид боғлаймиз.

Қумри АБДУЛЛАЕВА,  
педагогика фанлари  
доктори, профессор

# ФАРЗАНДИНГИЗ ЎҚУВЧИ БЎЛДИ

## 10-мақола

диққати шаклланмаган болалар синфда 40-45 дақиқа ўтира олмайдилар. Эснаб, ўзларини лоқайд сезадилар. Ўқув қуролларини бошқара олмайди.

Ўқув йилининг дастлабки ҳафтасида уларга одоб сабоғи берилади. Саломлашиш, илтифот кўрсатиш, миннатдорчилик билдириш ва хайрлашиш...

Орасталик сабоғида эса одоб билан сўзлаш, юриш-туриш, овқатланиш кўникмалари ҳосил қилинади. Кийиниш одоб, ўзини тоза туттиш одоб, уй, синф, мактаб, ҳовлиларни тоза туттиш, дарсликларни, ўқув қуролларини эҳтиёт қилиб, улардан фойдаланишга ўргатилади. Маърифат сабоғида мактабни муқаддас билиш, унда сабоқ олиш, мактаби, синфи, ўқитувчиси, ўртоқлари билан фахрланиш ҳисси уйғотилади.

Болалар тарбияга доир дастлабки билимларга эга бўлганларидан сўнг асосий сабоқлар яъни уларга хат-савод ўргатиш ишлари бошланади. Бу ўқиш ва ёзишга ўргатишдир. Ўқиш, ёзиш бола учун дастлабки даврда анчагина машаққатли меҳнатдир. Товуш, ҳарфлар ўқиш, ёдда сақлаб қолиш, тўғри талаффуз қилиш, саволларга жавоб

борлигини тайёргарлик даврларидаги ёзув дарсларида аниқланади. Бундай болалар билан алоҳида шуғулланиш лозим. Асло бундай болаларга «ўнг қўлда ёзинг!» деб буйруқ бера кўрманг. Бу болаларнинг мия фаолияти шундай тузилган. Чап қўл билан ёзадиганларда миянинг ўнг ярим шари фаол ишлайди. Ўнг қўл билан ёзадиганларники эса чап ярим шарлари ишлайди. Дунё халқлари тажрибасида японлар болаларни ҳар икки қўлда ҳам ёзишга ўргатишар экан.

Тайёргарлик даврида кичкинтойларга турли бадий адабиётлар кўрсатилади. Уларда китоб ўқишга ҳавас шу даврдан бошлаб уйғотилади. Бадий адабиётлардаги кичик ҳикоя, эртак ва шеърлар ўқиб берилади. Ўқувчиларда тинглаш ва эслаб қолиш уқувлари тарбияланади.

Болалар эркин сўзлаш имкониятига эга бўлишлари керак. Бир неча шеър, кўшиқларни ёддан ўқишлари, эртакларни тушунарли қилиб, ўртача, ёқимли овозда айтиб беришга тайёрланган бўлишлари лозим. Шундай тайёргарликка эга бўлган болалар савод ўргатиш даврида ўқитувчининг барча топшириқларини қийинчиликларсиз бажа-

кин-аста мактабдан безийди. Ўқитувчига ёлғон гапириб, вазиятдан қутилишга ўрганади. Бундай пайтда ота-оналар эътиборли бўлиб, тез-тез ўқитувчи билан учрашиши, уйда болага муносабатни ўзгартириб, яъни боланинг истакларини эшитиш, унда яхши ўқиб кетишига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Ўқув йили бошида болаларда чарчаш аломатлари сезилади. Шунинг учун оилада болани дам олиши, кундузги уйқуни ташкил этиш, кўпроқ очик ҳавода бўлиши, турли ҳаракатли ўйинлар ўйнашига шароит яратиб бериш лозим.

Тобора ривожланиб бораётган техника асрида болалар тинимсиз телевизор экранни олдида ўтириб чарчайдилар. Турли видеофильмлар кўриб, кўркүвга тушадилар. Улардаги ёмон одатларни ҳам ўзлаштириб олмоқдалар. Оилада боланинг кун тартиби бўлиши, ота-она ана шу кун тартиби асосида иш юритишга раҳбарлик қилиш вақтида ўйин, вақтида дам олиши учун масъул бўлиши зарур.

Дам олиш кунлари албатта бирор тадбир режаланиши: сайр, саёҳат, театрда бориш, ҳиёбонларни томоша қилиш, қариндош-уруғларни зиёрат қилиш, меҳмондорчиликда ўзини ма-

Чароғбон сўзини тилга олсак, кўз олдимизга сергайрат инсон, халқ таълими соҳасининг ҳақиқий фидойиси, Сирдарё вилояти Шароф Рашидов тумани халқ таълими бўлимига 30 йилдан ортиқ мудирлик қилган Холмўмин ака Шукуров келаверади. Чиндан-да устоз илми, илмли инсонларни юксак кадрлайдилар. Бунинг боиси, у ёшлигидан кўп ўқиди, ўқитувчиликка чин дилдан ихлос қўйди.

Орзулари Холмўминни

жавобгар қабилида иш тутаётган бўлсалар, муаллимлар "Тарбия оиладан бошланади" жумласини дастак қилиб олишган эканлар.

Мудир бу муаммони тезда бартараф этиш мақсадида



услугага амал қилиб келаётир-миз.

Холмўмин Шукуровнинг яна бир фазилати бошқа туманлар билан тажриба алмашиш тарафдорлигидир. Қаердаки, илгор тажрибалар, таълим соҳасида янгиликлар жорий қилинаётган жойни эшитса, Ўзбеки-

республика матбуотларида чоп қилинган. Ўтган йили "Янги аср авлоди" нашриётида нашрдан чиққан "Қалб амри" шеърый китоби китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди...

Куни кеча туман ўқитувчиларининг аънавий авшуст кенгашида қатнашаётиб, устоз, туман оқсоқоллар кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси раиси, ўқитувчилар сулоласи сардори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Холмўмин Шукуровни йўқладим — Тошкентга соғлигини тиклаб олишга кетган эканлар. Шу аснода унинг бош педагогика кенгашимизни ноънавий тарзда ўтказишини, кенгашида илгор тажрибаларни ғурур билан тилга олганини, энг муҳими, ёш мутахассисларни бағрига босиб табриклаганини, кекса маорифчиларга қулук қилиб, эҳтиром билдирганини фахр билан эсладим.

Дарвоқе, устоз ҳар ўқув йили аввалида "Таълим-тарбия ишини янада яхшилаш учун нималар қилмоқ керак?", "Қайси ёки кимнинг тажрибасини оммалаштирмоқчисиз?" каби саволларни ўртага ташлаб, ҳар бир шогирдини синовдан ўтказар ва унинг режалари билан қизиқарди. Хуллас, эл билган таниқли педагог Х.Шукуровнинг иш усуллари биз учун ўзига хос дастур вазифасини ўтаётир, десам ҳеч шубҳа қилманг. Шу фикрни қайта-қайта айтаман: Устоз — ижодкор, пиру бадавлат инсон.

**А.БОЙЖИГитОВ,**  
Сирдарё вилояти  
Шароф Рашидов  
тумани халқ таълими  
бўлими мудирининг  
ўринбосари

## ЧАРОҒБОН

педагогик йўлига бошлади. Аввал Ҳамид Олимжон номидаги Жиззах педагогика билим юрти, сўнгра Самарқанд давлат дорилфунунининг ўзбек филология факультетини тугатди. Қорақиллоқда (ҳозирги Бахмал тумани) бошланғич синф муаллими, Фаллаоролдаги 26-, 27-мактабларда раҳбар бўлиб ишлади ва 1962 йилда Боёвут туманига кўчиб келиб, ўқитувчилик қила бошлади. 1966 йилда чўлга, Сирдарё вилояти Шароф Рашидов (ўша пайтдаги Ильич) туманига ишга юборилди. 1967 йилдан эса туман халқ таълими бўлими мудир сифатида фаолият юрита бошлади. Дастлаб чўл худудидаги ишлар анча қийин кечди. Бир куни мактабларни айланиб юриб, ўқувчиларнинг аро йўлда қолаётганини пайқаб қолди. Ота-оналар бола тарбияси учун мактаб

кекса маорифчилар, илгор муаллимлар, мутахассислар билан баҳамжиҳат иш бошлади. Мактаб, оила, жамоатчилик, меҳнат жамоалари концепциясини ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий қилди. Кейинчалик бу усул "Таълим-тарбиянинг тўрт илдизи" номи олд ва у вилоят микёсида эътироф этила бошлади.

Шунингдек, устоз илм масканига илк қадам қўйган ёш мутахассисларни ўз назоратига олишни қанда қилмасди. Чунки ёш муаллимларни муносиб кутиб олиш лаҳзалари ҳар бир ёшнинг ҳаётида ёруғ, унутилмас кун бўлиб қолади, деб таъкидлаб қўярдилар. Албатта, уларни шу куни тажрибали муаллимларга бириктирар, бир йилдан сўнг эса аттестациядан ўтказарди. Биз ҳозир ҳам устознинг бу иш

стоннинг қайси бурчагида бўлмасин, тажрибаларни бир гуруҳ маорифчилари билан бирга ўрганиб қайтганини ва уларни илм масканларида ижодий қўллаганини биз — шогирдлар яхши эслаймиз.

Устоз билан боғлиқ яна бир воқеа хотирамга чуқур ўрнашиб қолган.

Холмўмин Шукуров мустақилликни ўзгача ҳаяжон билан кутиб олди ва ён дафтарида қуйидаги мисраларни битиб қўйди:

**Вақтлар бўлди қувгинга тушиб,**

**Азоб тортди не-не муаллим.**

**Мустақиллик эркимиз бериб,**

**Эъзозланди ҳар бир муаллим...**

Устозни том маънода изланувчан, ижодкор инсон, десам сира янгилишмайман. Қатор шеърлари

### Ehtirom

### 184 БАЛЛ БИЛАН ТАЛАБАЛИККА

Институт бу йилги тест синовларида ўзининг янги талабаларини қабул қилди. Зеро, улар босқичма-босқич таълим олишиб, келгусида архитектура-қурилиш соҳаси бўйича етук мутахассислик даражасини эгаллашади.

Бу йил давлат режаси бўйича қабул қилинган 635 нафар талабанинг 215 нафари давлат бюджети, 410 нафари эса тўлов-контракт бўйича таълим олишни бошлайди. Албатта, етарли даражада балл тўплаб, талабалик бахтига эришганлар қутлашга арзийди. Ана шундай омад эгаларидан бири Камола Алимовадир.

Дизайн йўналишига ҳужжат топширган абитуриент қиз ижодий имтиҳондан 95,0 балл тўплашга муваффақ бўлган эди. Математика ва ўзбек тили бўйича топширган тест синовлари натижасини қўшиб ҳисоблаганда, у 184,0 баллик натижани қўлга киритди. Бу билан Камола Алимова 215 кишилик бюджет таълимини олувчилар рўйхатидан жой эгаллади.

1-курс, бу таълимнинг бошланиши. Олдинда эса тўрт йиллик заҳмат. Камола сингари институтнинг 1-курсига

қабул қилинган йигит-қизларга ана шу заҳматларни енгиб ўтишда ирода ва матонат ёр бўлсин.

### БИРИНЧИ БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

Ҳа, биринчи бўлиш чиндан ҳам осон эмас. Айниқса, 63 та институт ва университет орасида биринчи бўлиш! Ахир, улар ичида энг юксак мавқе

раф бўлишди. 11 та фандан биринчи, 8 та фандан иккинчи ва 3 та фандан учинчи ўринни қўлга киритган институт талабаларининг натижаси барча муассасаларники билан солиштирилганда, энг юқори кўрсаткич, деб баҳоланди.

Биринчи бўлиш, унинг нашидасини туйиш ҳаммиша ҳам завқлидир.

мустаҳкамлашга эътибор қаратяпти.

Германиянинг Веймар қурилиш, Мюнхен ва Берлин техника, Мисрнинг Қоҳира ва Ал-Мансур университетлари ҳамда Исроилнинг "Технион" илмий тадқиқот марказлари институт ҳамкорларидир. Айниқса, Мюнхен техника университети билан йўлга қўйилган алоқалар серқирра. Кафедралараро тажриба алма-

## ТЕНГДОШЛИК

**Кечаги кун бугун тарих. 1991 йилдан буён 12 йиллик тарих саҳифаларига эгамиз. Ўша йилда ташкил бўлган таълим даргоҳлари ҳам 12 йиллик тарихга эга бўлди. Тошкент архитектура-қурилиш институти мустақиллик билан тенгдош, ҳамқадам. 1991 йилнинг 6 майида Президент Ислоҳ Каримов фармонида мувофиқ, Тошкент политехника институтининг тегишли факультети негизда мазкур олий таълим муассасаси қарор топди.**

### ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ НУФУЗ ХАМ КЕРАК

ва катта тарихга эга бўлган даргоҳлар бор. Уларнинг қанчадан-қанчаси тайёрлаган минг-минглаб кадрлари билан мақтана олади.

Гап шундаки, бу йил Тошкент архитектура-қурилиш институтининг истеъдодли талабалари фан олимпиадаларининг II республика босқичида 1-ўринни эгаллашга мушар-

ўзинг билан ўзинг бўлиб юрсанг, бу жуда тор доирадаги фаолият бўлиб қолиши мумкин. Ўзгаларни ўрганиш ва билиш керак. Шу жиҳатдан олганда, институт халқаро майдонда ҳам ўз обрў-эътиборини топиб олиш ва

шув йўлга қўйилган. Хусусан, институтнинг "Қурилиш материаллари ва гидравлика" кафедраси доценти Х.Комиловнинг ўша университет "Аналитик ва ноорганик кимё" кафедрасида малака ошириб келганини таъкидлаш ўринли. Ёки иккала даргоҳнинг бу кафедралари орасида ўзаро ҳамкорлик битимини 2005 йилга қадар давом

## ТЕННИС КОРТИ ИШГА ТУШДИ

Мустақиллик айёми ва янги ўқув йилининг бошланиши арафасида кўплаб иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Пойтахтимизнинг Сирғали туманида ҳам янги теннис маркази ўз фаолиятини бошлади. Мазкур марказнинг очилиш маросимини Сирғали тумани ҳоқими Р.Рўзимухаммедов табрик сўзи билан бошлаб, ушбу спорт иншооти мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида муносиб туҳфа эканлигини таъкидлади. Сўзга чиққан Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Ф.Абдурахимова, Тошкент шаҳар спорт кўмитасининг раиси А.Ҳамроқуловлар йиғилганларни табриклаб, бу каби иншоотларнинг қурилиши мамлакатимиз-

### Mustaqillik inshootlari

да болалар спортга қаратилаётган эътиборнинг самараси эканлигига, соғлом авлодга юртимиз келажаги ва тинчлигини таъминлай олишига урғу бердилар.

Тадбир сўнгида марказнинг ташкил қилинишида ҳомийлик қилган Сирғали туманидаги фаол саноат корхоналарига миннатдорчилик соғвалари топширилди. Очилиш маросими якунланганидан сўнг иштирокчилар янги теннис марказининг имкониятлари билан танишдилар.

Марказда учта теннис корти, сув ҳавзаси, машқлар зали, бадминтон майдончаси, массаж хоналари мавжуд бўлиб, барча хоналар замонавий анжомлар билан жиҳозланган. Ушбу марказда спортнинг теннис, бадий гимнастика, оғир атлетика, бадминтон ва сузиш йўналишлари бўйича мурабийлар жалб этилиб, тўғараклар фаолият кўрсатади. У соатида ҳисоблаганда 50—60 нафар кишини қамраб олади. Марказдан кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари имтиёзли равишда фойдаланадилар.

**Азиз НОРҚУЛОВ,**  
"Ma'rifat" мухбири

### G'urur

этиришга келишиб олингани ҳам шунчаки гап эмас. Кафедралар орасида "Европа мамлакатлари тажрибаси асосида физика-кимёвий излашниларнинг янги илмий методологиясини тузиш, Ўзбекистондаги тарихий обидаларнинг архитектура декорини ўрганиш" мавзусидаги лойиҳа тайёрланиб, ижросига киришилган.

Шу йил февраль ойида институт ректори, профессор Б.Асқаров Бельгияда бўлиб қайтди. ТАСИС, TEMPUS дастурига оид "Шаҳарлар умумхалқ мулки ва унинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш" лойиҳасида иштирок этиш масаласи муҳокама этилди, керакли ҳужжатларга имзо чекилди. Ҳозирда бу лойиҳа Европа ҳамжамияти томонидан кўриб чиқилмоқда.

Институт профессор-ўқитувчилари Япониянинг бизнес маркази билан ҳам меъморий обидаларни тиклаш, сақлаш бўйича тажриба алмашувларни йўлга қўйишган. Умуман, кўптомонама ва мақсадли ҳамкорлик институтнинг халқаро майдонда ўз ўрнини топиб олишига имкон яратмоқда.

**Х.ТҶИМАНОВА**

## O'qituvchilarning avgust kengashlari

Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ ТХТБга қарашли 54 та мактаб, 18 та мактабгача таълим, 3 та мактабдан ташқари таълим-тарбия муассасаларидан келган педагоглар кенгаши ТХТБ мудирини Ориф Воҳидов ва туман ҳоқими Рустам Холматов маърузаларидан сўнг музокараларга бой бўлганлиги билан ажралиб турди. 2002—2003 ўқув йилида қилинган меҳнат ва изланишлар, эришилган ютуқлар, йўл кўйилган камчиликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари танқидий баҳоланганини яширишнинг ҳоҳлати йўқ.

Кенгашнинг яна бир эсада қоларли ва барча учун фойдали гапларни айтиш

лозим. Бунинг сабабини кейинроқ тушундик, яъни туман ҳоқими М.Куччиев мустақил равишда янгилик яратиш илинжида ишлаётган ходимларни хурмат қилар ва ҳар бир таълим муассасасининг моддий ва методик аҳволини яхши билар экан. Чунончи, USAID, Тинчлик корпуси, Осие тарқиёт банки, Ўзбек-турк маданият маркази ва бошқа ташкилотлар томонидан 5, 10, 14, 15, 31, 38-мактабларнинг замонавий компьютер синфлари билан жиҳозланиши ва бу борада жонбозлик кўрсатганларга алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, туманда мажбурий-умумий ўрта ва ўрта мах-

тилга олинди. Мақтовлар, ютуқларни такрорлайвериш ҳеч нарса бермаслигини билган сўзга чиққан иштирокчилар ўз муаммоларини ҳам айтишди.

Тошкент тумани ўқитувчиларининг август кенгаши одатдагидек мажлислар залида эмас, Шредер номидаги соя-салқин боғда ўтказилди. Қолигга тушмаган, маърузабозликдан йироқ бўлган ушбу анжуманда шўъбаларда келинган хулосаларга таяниб, тавсияларни иштирокчиларга тақдим этишди. Туман ҳоқими Сайфулла Темиров шу куни Охунбобоев ширкат хўжалиги томонидан 9-мактабга 600 ўринли 15

МАХСУС  
ТАЪЛИМ  
МАҚСАДИ

Хабарингиз бор, авваллари махсус таълим муассасалари ўқитувчиларининг август кенгашларини педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти методистлари ўтказар эди. Бу йил эса ilk бор Тошкент шаҳар махсус таълим муассасалари ўқитувчиларининг август кенгаши шаҳар ХТББ методика маркази томонидан М.Улуғбек туманидаги 101-мактаб-интернатда ўтказилди. Шунинг учун бўлса керак, бу йилги кенгаш бошқа йилгилардан ва бошқа йўналиш кенгашларидан фарқли ўлароқ ноанъанавий тарзда, яъни интерфаол усулда олиб борилди. Ишнинг бу тарзда ташкил этилиши мазкур йўналишда меҳнат қилаётган педагог ходимларнинг келгуси фаолиятлари учун фойдалидир.

Бу йилги кенгаш ишида асосий эътибор ўқувчиларнинг билим олиши, яшаши каби масалалар билан биргаликда уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, меҳнатга ўргатишда шарт-шароитлар яратиб беришга қаратилди. Бу борада махсус таълимда тўғарак сонлари ва турларини кўнайтириш иши тажриба-синов сифатида муассасаларда ўтказиб кўрилди. Хусусан, 66-мактаб сабзавотчилик, 199,87-мактаблар саргарошлик, 36-,37-мактаблар этикдўзлик, 130-мактаб қуёнчилик ва ободонлаштириш бўйича иш олиб борган ва ўқувчилар ўз имкониятларини юзага чиқарганлар. Аслида ҳам махсус муассасалардаги асосий вазифалардан бири бу болаларни меҳнатга ўргатиш, яъни соғлом тенгдошлари сингари мустақил ҳаётга қадам қўйганларида ўз ўринларини топиш учун хоҳишларига кўра танлаган касблари бўйича йўлланма бериш ҳисобланади. Шунини ҳисобга олган ҳолда 9 та йўналиш бўйича шўъбалар иш олиб борди ва уларнинг барчасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш хусусида мунозаралар бўлди.

Насиба ЭРХОНОВА,  
"Ma'rifat" мухбири

ЮТУҚЛАРНИ ТАКРОРЛАЙВЕРИШ  
ҲЕЧ НАРСА БЕРМАЙДИ, АКСИНЧА...

ган иштирокчиси, 11-мактаб бошлангич синф ўқитувчиси Карима Эргашева бўлди. Карима Эргашева рейтинг тизимини юритиш бўйича ҳамкасблари билан баҳс-мунозарага киришиб, энг сўнгги иш олиб бориш усуллари тушунтиришга ҳаракат қилди. Ҳатто ўқитувчи залдаги ҳамкасбларига "ўқувчилар" дея мурожаат этганида, бироз тигиз ишчан кайфият ўрнини тавассутом эгаллади.

Шундан сўнг яна шу руҳдаги хушхабар барчага етказилди. Яъни, якунланган ўқув йилида 11-синфни 881 нафар ва 9-синфни 2466 нафар ўқувчилар битириб, шулардан олий ўқув юртларига 174 нафар ва касб-хунар коллежларига 217 нафар битирувчилар ўқишга кирганлар.

"Бойқозон" спорт комплексига ўтган Паркент тумани ХТБнинг август кенгаши ҳам тантанали равишда очилди ва маърузалар тингланди. Ушбу тумандаги анжуман иштирокчиларининг ҳар бири янги гоё, янги таклиф ва фикр билан келганлигини алоҳида айтиб

сус, касб-хунар тизимига ўтишда бироз қийинчиликлар бўлаётгани таъкидланди. Жумладан, 2001—2002 ўқув йилида 9-синфни 2567 нафар ўқувчи битириб, уларнинг 362 нафари касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга, 1600 нафари 10-синфларга қабул қилинди. 210 нафари эса умуман ўқишга тортилмаган. Бундай оқибатга келиб қолмаслик учун ушбу ўқув йилидан ҳаракат режасини белгилаб олиш кенгашда тасдиқланган тавсиялардан бири бўлди.

Вилоят фан олимпиадаларида қатнашиш бўйича таҳлиллар қараб чиқилганида, ўсиш кузатилди, яъни 2001 йилда Паркент тумани умумий ҳисобда 11-ўринни, 2002 йилда 9-ўринни эгаллаган бўлса, 2003 йилда 1-ўрин забт этилди. Шу ўринда 5-ихтисослашган мактабнинг 11-синф ўқувчиси Рустам Рахимов республика олимпиадасида совринли ўринни эгаллаб, Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида ўтказилган халқаро олимпиадада фахрли ўринни қўлга киритиб, Санкт-Петербург университети талабаси бўлганлиги ҳам

та синфхона ва 33-мактабга кўшимча 6 та синфхонаси Ўзбекистон ширкат хўжалиги томонидан куриб берилганлигини хушхабар сифатида айтди. Шунингдек, Абдурахмонов ширкат хўжалиги томонидан 120-мактаб биноси, Ф.Абдуллаев ширкат хўжалиги томонидан 21-мактабга 5 та синф хонаси ва Хасанбой ширкат хўжалигида болалар боғчаси қурилиши ҳам ниҳоясига етаётганлиги ва бу ишда барчанинг масъуллигини таъкидлади.

Шундан сўнг фахрий делегатлар бирма-бир чиқиб, ўз илгор иш тажрибаларининг афзалликлари ҳақида гапириб бердилар. Ва ушбу ўқув йилида мактаб ва боғчаларга ишга кирган ёш кадрлар ўз машаққатли ва заҳматли бўлган касбларига қасамёд қилдилар. Уларга фахрий устоз, ўқитувчилар матонат тиладилар.

Умуман, ушбу уч туман август кенгашларининг тахлилий, танқидий ва истиқболли режалар асосида ўтганлигидан келгуси ўқув йили натижалари кутилганидек бўлади, дейиш мумкин.

Мамлакатимизнинг турли вилоят, шаҳар ва туманлари қатори Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бўлиб ўтган халқ таълими ходимларининг Август кенгаши анжуманлари ҳам танқидий-таҳлилий, сарҳисоб руҳида ўтди. Уларда кўтарилган масалалар сирасида ўтган ўқув йили натижалари: ютуқлар, камчилик ва нуқсонлар, уларнинг келиб чиқиш омиллари ва бартараф этиш чора-тадбирлари атрафлича муҳокама қилинди.

Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани маданият саройида бўлиб ўтган ушбу тадбирнинг асосий қисмини туман ҳоқими Лукмонжон Гафоров кириш сўзи билан очар экан, анжуман қатнашчиларини кутлаб, уларнинг заҳматли меҳнати, эришаётган ютуқларини эҳтиром билан тилга олди. Таъкидлаш керакки, Китоб тумани халқ таълими тизими азалдан нафақат вилоятда, балки республикада ҳам ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб, ўқувчилар турли кўрик-танловлар, республика фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллашди. Шунингдек, туман ёшларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш бўйича эришаётган муваффақиятлари ҳам таъсирчан лойиқ. Республика Давлат тест марказининг ўтган ўқув йилида ўқувчилар билим самарадорлигини ўрганиш натижаларига кўра 210 та туман ўртасида тўртинчи, вилоятда эса биринчи ўринни эгаллаганлиги ҳам таълим-тарбия соҳасида мазкур ҳудудда олиб борилаётган ишларнинг самарасидир.

Туман халқ таълими бўлими мудирини Незьматжон Маҳмудов ўз маърузасида туманда эришилаёт-

ган ютуқлар баробарида қатор муаммо ва камчиликлар ҳам мавжудлигига эътиборни қаратди. Чунончи, мактаб қурилиши соҳасини олайлик. Туманда ўтган йили жадал суръатлар билан қурилиши бошланган 10 та мактаб ҳали-ҳануз фойдаланишга топширилгани йўқ. Агар бугунги кунда Китоб туманида 91 та умумий ўрта таълим мактаби фаолият кўрсатаётган бўлса,

шунингдек, умумий ўрта таълим муассасаларини замонавий ўқув қуроллари, компьютер техникаси билан таъминлаш ишлари ҳам суст олиб борилмоқда. Мавжуд 91 та умумий ўрта таълим мактабининг атиги 21 таси компьютер воситалари билан жиҳозланган бўлиб, уларнинг 17 тасида эскирган техник воситадан фойдаланилмоқда. Тумандаги 22 та мактаб ўқув лаборатория хонасига эга эмас, 38 та мактабда лаборатория асбоб-ускуналари етишмайди.

Туман халқ таълими тизимига оқсоқликка учраётган яна бир соҳа — бу мактабгача таълим муассасаларини хусусийлаштириш ва уларга болаларни жалб этиш ишларининг қониқарсиз эканлигидир. Чунончи, туманда бугунги кунда 54 та

мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатиб, уларга мактабгача ёшдаги болаларнинг атиги 9 фоизи жалб этилган, холос. Мактабгача таълим муассасаларини хусусийлаштириш дастурини белгилаган вазифаларни бажариш ҳам қониқарсиз аҳволда бўлиб, ўтган йиллар давомида нафақат туманда, балки вилоятда ҳам бирорта боғча хусусийлаштирилма-

да туманда 52 та мактаб, 2 та мажмуа фаолият кўрсатиб, унда 21170 нафар ўқувчи таҳсил олмақда ва уларга 1600 нафардан зиёд ўқитувчи сабоқ бермоқда. Бундан ташқари, 3 та мактабдан ташқари, 9 та мактабгача таълим муассасалари ишламоқда. Туман мактабларида 31 та физика, 128 та кимё, биология, она тили ва касбга йўналтириш, 31 та ёғоч билан ишлаш ва

тодик хизматни оширувчи методик бирлашмаларнинг фаолияти талаб даражасида эмас. Тумандаги ўнлаб мактабларда фан бирлашмалари номигагина фаолият кўрсатмоқда, иш режалари юзакли тuzилган ва ҳужжатларни расмиylаштириш ишлари ҳам талаб даражасида эмас.

Кичик ёшдаги болаларни бошлангич мактаб таълимига тайёрлашга хизмат қилувчи таълим муассасаларининг фаолиятини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Туманда бор-йўғи 9 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 563 нафар бола тарбияланмоқда. Бу тумандаги мактабгача ёшдаги болаларнинг 4.7 фоизини ташкил этади, холос. Анжуманда шу ва шу каби қатор долзарб муаммолар муҳокама қилиниб, янги ўқув йилида уларни бартараф этиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Умуман олганда, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бўлиб ўтган анжуманлар ишида асосан вилоятларнинг республика миқёсидаги кўрсаткичларини ошириш масаласига бирламчи эътибор қаратилди. Шунингдек, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Шунинг учун бўлса керак, иккала вилоят ўқувчилари ҳам республика "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида қуйи ўринларни эгаллашган. Йигилишларда бу борадаги ишларни жонлантириш масаласи кўндаланг қўйилди ва уни ҳал қилиш бўйича долзарб вазифалар белгиланди.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ

НАТИЖАЛАР БОР,  
БИРОҚ...

ган.

Таълим муассасаларини олий маълумотли кадрлар билан таъминлаш борасида муаммо ханузгача сақланиб қолмоқда. Тумандаги 53 та мактабда 71 нафар мутахассис кадр етишмайди. Шунингдек, 2002 йилда 98 нафар, 2003 йилнинг 6 ойи мобайнида 41 нафар педагог ходим турли сабабларга кўра бошқа соҳаларга ишга ўтиб кетган.

Йигилишда сўзланган маърузалар юзасидан қизгин баҳс-мунозаралар олиб борилди. Шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида янги ўқув йилида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

\*\*\*

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида бўлиб ўтган анжуман ҳам байрамона руҳда ўтди. Айни пайт-

бичиш-тикиш хоналари мавжуд. Шунингдек, ўқувчиларнинг бўш вақтларини кўнгилдагидек ташкил этиш, уларни самарали ва қизиқарли машғулотларга жалб этиш мақсадида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг 2092 нафари ижодий, 310 нафари техник-ижодий, 1688 нафари сайёҳ-ўлкашунослик, 1917 нафари спорт тўғаракларига қатнашмоқда.

Туман методика кабинети таълим муассасалари педагогик ходимларига методик хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш борасида бир қатор ишларни амалга оширди. Чунончи, туман мактабларида турли фанлардан педагог ходимларга узлуксиз тарзда кўмак берувчи фан уюшмалари ташкил қилинди. Аммо, бу соҳадаги қатор ютуқлар баробарида туманда ме-

## ШЎЪБА ЙИГИЛИШЛАРИДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР

Жорий йилнинг 26 август куни пойтахтимиздаги 273-мактабда ўтказилган шахар она тили ва адабиёти ўқитувчиларининг бу йилги анъанавий август кенгашида шўбаларга бўлинган ҳолда семинар-тренинг тарзида машғулот ўтказилишини билдирди. ТШХТББ ўринбосари Абдуманноп Собиров она тили ва адабиёт фанининг шахарда ўқитилиш аҳоли, олимпиада натижалари ҳақида маълумот бергач, ўқитувчилар 6 та шўбага бўлиниб, иш бошладилар.

Биринчи шўба иштирокчилари тренер Кундуз Йўлдошева раҳбарлигида "ДТС талабларини ўзлаштиришда ўқувчилар билимида юзага келадиган бўшлиқларни тўлдирин" мавзусида кичик гуруҳларга бўлиниб, аҳиллик билан ишлаб, ўз фикрларини баён этдилар. Улар фикрича, ўқувчилар билимида юзага келадиган бўшлиқларни тўлдиринишда дарсада мусобақа, тилсини ўйинлари, муаммоли савол-жавоблар, тест, тарқатма материаллар, луғатлардан фойдаланиш билан бир қаторда ўқувчининг яқка ўзи билан ишлаш ҳам зарурдир.

Тренер Абдувоҳид Раупов бошчилигида 2-шўба иштирокчилари "Она тили таълими жараёнида миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар онгига сингдириш"нинг

янги усулларини кашф этдилар.

Учинчи шўбада "Адабиёт дарсларида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси" мавзусида машғулот олиб борилди. У ерда ҳозир бўлганлар интерфаол усуллар ўқувчиларнинг бадиий адабиётга қизиқишларини янада оширишига амин бўлишди.

Тренер Шаҳодат Мирсоатова "Мумтоз адабиёт, миллий ўзликни англаш, ўқувчини бадиий адабиёт ўқишга қизиқтириш йўллари" мавзусида мазмунли, қизиқарли машғулот ўтказиб, гуруҳларни фаоллаштиришга эриша олди. Гуруҳ аъзолари ўқувчини мустақил ўқишга ўргатишда ўқитувчининг ўзи асарларни тўлиқ ўқиган бўлиши, китобга муҳаббат уйғотиш, ҳатто отоналаридан ҳам китобга меҳрни ошириши, лавҳаларни ифодали ўқиб бера олиши керак, деган талабларни қўйдиларки, буларнинг бари асосли эди. Фақат ўзлари чиқарган хулосаларга амал қила билишлари муаммони ҳал эта олади.

Изланувчан, моҳир муаллима Саноат Қурбонваннинг "Адабиётдан янгиланган дарсликлар билан ишлаш натижалари" мавзусидаги семинар-тренинг машғулотидан "Олимларни эмас, инсонларни

шакллантириб тарбияловчи дарсликлар керак", деган фикр билдирилиб, дарсликларнинг ютуқ ва камчиликлари, эски ва янги дарсликларнинг фарқи томонлари айтиб ўтилди.

6-шўбада тажрибали муаллима Дилфуза Ганиева "Ўқувчиларни матн яратиш, грамматик иншо ёзишга ўргатиш тажрибасидан" мавзусида машғулот ўтказди. Ўқувчиларга расм, шеър, кузатиш ва таассуротлар асосида матн яратишда нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳал этилган ушбу машғулот ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Шўба ишлари якунлангач, шўба раҳбарларининг ҳисоботи тингланди, тавсиялар ишлаб чиқилди.

Кенгашда РТМ бўлим бошлиғи Назира Ғулова, ТШПҚТМОИ катта ўқитувчиси Феруза Муҳаммедова, дарслик муаллифи Кундузхон Хусанбоева ва бошқалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Хуллас, иштирокчилар ноанъанавий тарзда ўтган анъанавий август кенгашидан зарур маслаҳатлар билан бирга интерфаол усуллардан қандай фойдаланишни ҳам ўзлаштириб олдилар.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,  
274-мактаб  
муаллимаси

Инсониятга хос одат бор: ҳар бир меҳнат мавсуми якунлангач, шу соҳа натижалари сарҳисоб қилинади. Бошқа меҳнат турларидан фарқли ўлароқ, таълим соҳасида бу жараён ёзги таътил маҳалида кечади. Гапнинг индаллосини айтганда, анъанавий август кенгаши — таълим муассасаларининг бир йиллик меҳнати самараси кўзгусидир. Бу кўзгуда эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам акс этади.

Туманимиз педагоглари ўтган ўқув йилида узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш бўйича таянч мактаблари барпо этишди. Бу борада илғор ўқитувчилар ишлари оммалаштирилган бўлса-да, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Шунинг учун методик хизмат кўрсатишни кейинги ўқув йилларида ҳам изчиллик билан такомиллаштириб бориш лозим. Туманимиз ўқувчиларининг фан олимпиадалари, "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари республика

кўра, 102 нафар ўқувчи иккинчи йилда ўқиш учун синфда қолдирилганининг асосий сабабини қидириш лозим. Ўқитувчи унга керакли билим, малака ва кўникма бера олмадики ёки?

Шунингдек, 9-синф битирувчиларини узлуксиз таълимга жалб этиш учун сўронома ўтказилганда 4105 нафар 9-синф битирувчисидан 1334 нафари 10-синфда ўқишни давом эттириш исhtiрагини билдирган. Шу боис туман ХТБ туман ҳокимлиги

## ЧИЛОНЗОРДА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ОЧИЛАДИ

Чилонзор тумани пойтахтининг энг катта туманларидан бири саналади. Аҳолиси ҳам кўп ва таълим муассасалари ҳам шунга яраша. Туман педагоглари аниқлаштирилган август кенгаши ялпи йиғилишида туман ҳокими Х.Маҳкамов ҳам шу хусусда сўзлар экан, аввало, мазкур ҳудуд педагогик салоҳиятининг нафақат шахар, балки республика миқёсида ҳам ўзига хос ўринда эканини таъкидлади. "Таълим сифати ва мазмуни уйғунлашгандагина ютуқлар қўлга киритилади, — деди у пировардида, — бунинг учун эса, ўқитувчи ҳар томонлама етук, билимдон бўлиши лозим".

Туман халқ таълими бўлими мудири М.Абдалимов эса ўз сўзини шундай бошлади:

лика босқичдаги иштироки ҳам муваффақиятли чиқди.

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, жорий йилнинг май ойида Москва шаҳридаги Ломоносов номидаги хусусий мактаб делегацияси билан ўқув-семинари ўтказдик ва бугунги кунда туманда нодавлат таълим муассасаси очиш тўғрисидаги ишлар олиб борилмоқда.

Хуллас, ютуқларимиз талайгина. Аммо ҳал қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам мавжуд. Жумладан, мамлакатимиз раҳбарининг "Ахборот технологиясини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонини бажариш учун айрим мактабларимиздаги компьютерлар замон талабига жавоб бермайди. Шу билан бирга 2002-2003 ўқув йили якунига

билан келишган ҳолда 2003-2004 ўқув йилида 17 та мактабда 10-синф очишни режалаштирди.

Туман ХТБ мудиридан сўнг сўзга чиққан Чилонзор тумани прокурори ёрдамчиси Гулмира Эрматова вояга етмаганлар жиноятчилиги, бундай ҳодисаларнинг содир бўлиш-бўлмалиги мактаб, маҳалла, оиллага боғлиқ экани тўғрисида тўхтади.

Анъанавий август кенгаши ялпи йиғилиши сўнгидан кекса ва илғор педагогларга эсталик совғалари топширилгач, иштирокчилар етти йўналишда шўбаларга бўлинишиб, баҳс-мунозараларни давом эттиришди.

Шерали НИШОНОВ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 862 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида айни пайтда 44 мингга яқин педагог, жумладан 1281 нафар илмий даражага эга бўлган ўқитувчи меҳнат қилмоқда. Мазкур ўқитувчиларнинг ўтган йилдаги фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда янги ўқув йилидаги бирламчи стратегик вазифаларини белгилаб олиш мақсадида шу йилнинг 20 августидан бошлаб жойлардаги таълим муассасаларида минтақавий семинарлар ўтказилиб, 30 август куни якун топди.

Ҳар йилнинг август ойини республикаимиз таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган раҳбар ва педагог ходимлар учун сарҳисоб ойи дейиш мумкин. Боиси, айни шу паллада барча таълим муассасалари ходимлари бир жойга жамланиб, соҳа муаммоларини муҳокама қиладилар, эришилган ютуқлар қайд этилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан мунозара олиб борилади. Чунинчи, республикаимиз ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган минглаб педагог, муҳандис-педагоглар, ишлаб чиқариш усталари учун ҳам мана уч йилдирки, август ойининг сўнгги ўн кунлигида минтақа-

## ЯНГИ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

ўқув машғулотлари асосида  
ташқил этилди

вий семинарлар ташқил этилмоқда. Ана шундай семинарлар жорий йилда республикаимизнинг барча вилоятларидаги 51 та таълим муассасасида бўлиб ўтди.

Семинар машғулотларининг очилиш ва ёпилиш маросимлари тантанавор руҳда ўтказилиб, уларга вилоят ўМКХТ бошқармалари бошлиқлари, шахар ва туман ҳокими ўринбосарлари ташриф буюрдилар ҳамда педагог-мураббийларнинг заҳматли ва фидокорона меҳнатини таъкидлаб, соҳа ютуқ ва муаммолари ифодаланган маърузалар ўқидилар. Бир гуруҳ фаол ўқитувчиларни қимматбахо эсдалик совғалари билан мукофотладилар.

Семинар машғулотлари ҳар бир ҳудуд масъул ходимлари томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурлар асосида ташқил этилди. Дастурга ўнлаб долзарб мавзулар киритилган

бўлиб, "Хорижий таълим технологияларининг миллий таълим тизимида қўллашнинг афзалликлари", "Япония ва Жанубий Кореяда ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти тажрибаларидан", "Ўқув устахонасининг ёшларни касб ўргатиш борасидаги аҳамияти", "Ноанъанавий таълим ва уларнинг самаралари хусусида", "Ахборот технологиялари ва Интернет тизимининг аҳамияти тўғрисида", "Дарсдан ташқари тарбиявий ишлар шакллари" сингари мавзулар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда ўМКХТ тизимининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, жумладан 260 та тармоқ стандартлари ва ўқув режалари, касб-хунар коллежларининг умумтаълим ва махсус фанлар

бўйича 3354 та ўқув дастурлари, академик лицей ўқувчилари учун эса 4 та тармоқ стандартлари, 11 та ўқув режа ва 69 та ўқув дастурлари, 12 йиллик мажбурий таълим узлуксизлигини таъминловчи ўқув-услубий мажмуалари ишлаб чиқилди. ЎМКХТ муассасалари учун ўқув адабиётларининг янги авлоди, яъни давлат таълим стандартларига мос 331 номдаги 2 млн. 902 минг 860 нусхада дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. Семинарлар давомида педагог-ўқитувчилар ана шу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан батафсил таништирилди ва янги ўқув адабиётлари хусусида ахборотлар берилди.

Шунингдек, йиғилишлар давомида ўқитувчиларнинг касб-хунар тайёргарлигига эътибор қаратилиб, касбий таълим ва махсус фан ўқитувчилари, ишлаб чиқариш усталарига, педа-

голар сафига келиб қўшилган олий ўқув юрти битирувчиларига фаолиятни йўлга қўйиш билан боғлиқ зарур кўрсатма ва йўл-йўриқлар берилди. Ўқитувчиларнинг янги ўқув йилида дарсларга тайёргарлиги ўрганилди, мустақиллик дарсларини самарали ўтказишда нималарга ургу қаратилиши лозимлиги, шу билан бирга янги педагогик технологияларни касбий педагогикага йўналтириш, фан олимпиадаларида ўқувчиларнинг самарали иштирокини таъминлаш билан боғлиқ долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Семинар ўқув машғулотлари шўба йиғилишларини олиб бориш доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларида фаолият кўрсатувчи тажрибали раҳбар ўқитувчилар — лидерлар томонидан олиб борилди. Шу билан бирга, машғулотлар давомида хорижда ўз малакаларини ошириб қайтган юзлаб малакали педагог-ўқитувчилар ўз орттирган тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Турли халқроқ нодавлат ташкилотларининг лойиҳаларига асосан ташқил этилган ўқув машғулотлари мавзулари ҳам семинарлар дастуридан жой олди.

Шерали НИШОНОВ,  
ЎМКХТ Маркази етакчи  
мутахассиси

## Moziydan sado

1916 йилда Туркистонда императорнинг мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармонининг эълон қилиниши ва оммавий тус олган кўзғолонлар ўша даврда жамиятнинг турли тоифа вакиллари томонидан ҳар хил баҳоланади.

Туркистоннинг ўша даврда энг илғор фикрли зиёлилари, хусусан, жадидларнинг муносабатида доир қимматли маълумотлар бор. Маълум бўлишича, жадидларнинг энг йирик вакилларидан бири, ўзбеклардан етишиб чиққан биринчи адвокат Убайдулла Асадуллаҳўжаев Тошкентда чиқарилган "Туркестанский голос" газетасининг муҳаррири А.А.Чайкин ва унинг укаси Вадим Чайкинлар билан биргаликда Петербургга бориб, Россия Давлат Думаси аъзоларига Туркистондаги кўзғолонлар ва умуман, туб аҳолининг бо-

рини олиб бориш учун А.Ф.Керенский ("Трудовик фракцияси"), Тевкелев, Ю.Жаъфаров (Мусулмонлар фракцияси)лардан иборат комиссия тузилади. Ю.Жаъфаров зарур иш билан Кавказга кетганлиги учун Туркистонга А.Ф.Керенский ва Тевкелевлар келадилар. Маълумотда айтилишича, оддий халқ уларнинг келишини орзқидиб кутган.

Дума аъзоларининг ўлкага келишида жадидлар, хусусан, Убайдулла Асадуллаҳўжаев катта рол ўйнадилар. Петроград университетини тамомлаган ва кейинчалик Туркистон мухториятига бошчилик қилган Мустафо Чўқаев Дума аъзоларидан иборат комиссияга таржимон ва кузатувчи бўлади.

1916 йил 7 августда Дума аъзолари Тошкентга келиб, 22 августда Мустафо Чўқаев кузатувида Жиззах-

оломон деб ўйлаб, уларни ҳукуматга хизмат қилиш керак, деган фикрга қарши турадиганлар мавжудлигига ишониб кераклиги" ҳақида гапирган. У мусулмонларга мактабларни яхши ташкил этиш ва фарзандларини ўқитишга ҳаракат қилишларига ишонч билдиради.

26 августда Дума аъзолари Андижондан чиқиб, Кўқон шаҳрига келдилар. Бу ерда туб аҳолининг вакиллари билан суҳбат ўтказилади. Шундан сўнг дума аъзолари "Треугольник" фирмасининг бошлиғи И.Е.Зубаревнинг уйида уюштирилган нонуштада қатнашдилар. Зубарев сўл гуруҳларнинг, яъни прогрессив оқимнинг вакили ҳисобланган. Нонуштада социал-демократик партиясининг аъзоси доктор Д.И.Чернобородов ҳам қатнашади. Демак, ҳукуматга қарши бўлган муҳолифат

шундай телеграмма юборади: "Шахсан ўзим Туркистон ўлкаси билан танишдим. Сизнинг эътиборингизни куйидагиларга жалб қиламан: Туб аҳолини мардикорликка жалб этиш ички ишлар вазирлиги томонидан кўрсатмалар ишлаб чиқилмай бошлаб юборилган. Император фармонининг мақсади ва тартиби одамларга тушунтириб берилмаган. Маҳаллий маъмурият ўз мансабини суистеъмол қилиб, аҳоли тинчлигини бузган, 15 сентябрда мардикорликка сафарбарликни бошлаб кўшини ва мамлакатни галла, пахта ва гўшт билан таъминлаётган вилоятларнинг хўжалик ҳаётини кўпоришга олиб келади. Менинг кузатишларим шуни кўрсатадики, давлат ман-

га ҳам бормайсиз", деб халқни ишонтирганлиги, туб аҳоли эрлари ёки фарзандлари фронтга кетган рус оилаларига 100.000 сўмдан ортиқ пул ёрдамни кўрсатганлиги, бу ўз даври учун катта маблағ ҳисоблангани ҳақида аниқ маълумотлар келтиради. Керенский туб аҳолининг тинчликсеварлиги ва олийжаноблигини тасвирлаб, фармон арафасида ўлканинг узоқ жойларида ҳам руслар тинчлик ва хотиржамлик, ҳеч қандай ваҳима ва қўрқувни билмай бемалол яшайвергани, ҳатто туб аҳолининг орасида эркакларсиз яшаётган аёлларга ҳам ҳеч ким тегаганини таъкидлайди. Туркистон халқи давлат арбобларининг ақлсизлиги ва нотўғри сиёсати туфайли Россия империясига қарши курашга кўтарилганини алоҳида уқтириб ўтди.

"Туркистонда, — дейди А.Ф.Керенский, — кўзғолонларнинг сабабчиси тамомила марказий ҳокимиятдир. У гайриқонуний фармонни эълон қилиб, барча қонун ва ҳуқуқларни бузди. Шунингдек, уларнинг айблари шундан иборатки, гуллаб-яшнаётган Туркистонни харобага айлантириб шундай шароитни юзага келтирдиларки, натижада туб аҳоли очликка мубтало этилди. Уларнинг айби яна шундаки, улар иккинчи Туркистон фронтини юзага келтирдилар".

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлган эди. Зеро, бутун ўлканинг шаҳарлари, қишлоқ ва овулларини камраб олган кўзғолонларни бостириш жараёнида катта ҳарбий куч ишлатилди, ўн минглаб одамлар ўлдирилди ёки жароҳатлангиларди. Ўлкада ҳарбий ҳолатнинг жорий этилиши ҳам фронтнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

А.Ф.Керенский император фармони авжи деҳқончилик мавсумигагина эмас, балки рўза кунларига тўғри келганини таъкидлади. Июлнинг иссиқ кунларида қуёш чиқишидан то ботгунича бир култум сув ичмай рўза тутиш вақтида эркакларни мардикорликка олиш туб аҳолининг ғазабига ғазаб, нафратига нафрат қўшган.

Маърузачи фармонни тайёрлашда Туркистон аёлларининг ўзларига хос шароити ҳисобга олинмаганлигини кўрсатиб ўтди. Уларнинг эркакларсиз деҳқончилик, савдо-сотиқ ва бошқа ишлар билан шуғулланишлари қийин. Аёллар асосан уй ишлари билан банд бўлиб, ўзлари оилани таъминлай олмайдилар. Аёлларнинг аҳоли мана шундай бўлиб турган бир шароитда Туркистонда эркакларнинг мардикорликка олинишини тасаввур этиб бўлмайди. Маърузачи пул эвазига одамларни мардикорликка ёллашга рухсат этилганлигини қоралайди. Чунки маҳаллий маъмурият вакиллари бундан фойдаланиб, бойлик орттиришга қаттиқ киришганлар. Натижада порохўрлик авжига чиқиб, унинг бутун оғирлиги меҳнаткаш омманинг зиммасига тушган ва норозилик кучайиб кетган. Маърузачи бунинг учун бутун айбни фақат маҳаллий маъмуриятга тўнқашни нотўғри деб билади. Шунинг учун ҳам Туркистон генерал-губернатори чор маъмуриятининг кўп ходимларини ишдан четлатишга мажбур бўлган.

(Давоми бор.)

Жаннат ИСМОИЛОВА,  
Ўзбекистон тарихи давлат  
музейи директори  
ўринбосари,  
тарих фанлари доктори

# ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШ САҲИФАСЛАРИДАН

1916 йил  
кўзғолони ва унинг  
оқибатларининг Чор  
Россияси Давлат  
Думасидаги  
муҳокамаси

шига тушган азоб-уқубатларни маълум қилиб, арз қилганлар. Убайдулла Асадуллаҳўжаев халқнинг номидан мардикорликка тегишли фармоннинг бекар қилинишини ва ўлкадаги кескин аҳволни ўрганиб, тегишли хулоса чиқарилиши, чора кўрилишини сўраган. Мустабид ҳукумат архивида қайд этилган айрим маълумотларга қараганда, Убайдулла Асадуллаҳўжаевнинг Петербургга боришини таъминлаш учун ўлканинг турли шаҳарларида маблағ тўпланган. Тошкент шаҳрида бу ишни амалга оширишда Мунавварқори Абдурашидхонов фаол қатнашган. Демак, Петербургга бориш масаласида жадидлар вакиллари билан иштирокида ташкил этилган дейишга асос бор. Тўпланган маблағ Убайдулланинг укаси Башрулло Асадуллаҳўжаевга берилган. У бу пулни Петроградга акасига жўнатган. Ўлкада содир бўлаётган воқеалардан хабар топган Дума аъзолари бу масалага турлича муносабат билдиришган.

"Туркестанский голос" газетасининг 1916 йил 23 июль сонида босилган маълумотда кўрсатилишича, Думадаги мусулмонлар фракциясининг вакиллари Ю.Жаъфаров ва Тевкелевлар Туркистонда мардикорликка олинган одамлар ва уларнинг оилалари ҳақ-ҳуқуқларини белгилаш, сафарбарликни аста-секин амалга ошириш ҳақида чор ҳукумати хат юборганлар. Хатда мардикорликка олиниши уюштириш халқнинг ўзига топширилиши, тавсия этилган аҳолининг мардикорликка жўнатилиши қишлоқ хўжалигига зарба бериши таъкидланган.

Мусулмонлар фракцияси, Меҳнаткашлар фракцияси, Тараққийпарварлар фракцияси ва социал-демократлар партияси Россия Давлат Думасида Туркистондаги аҳволни муҳокама қилишни лозим деб топганлар. Шундан сўнг Думада Туркистондаги император фармони ва кўзғолонлар бўйича текширув ишла-

га жўнайдди. Маълумки, бу ердаги кўзғолон ниҳоятда шиддатли равишда ўтганлиги учун юзлаб кишилар ўлдирилган, мол-мулклар таланган ва ерлари тортиб олинган. Жиззах шаҳри тамомила вайронага айлангиларди. Дума аъзолари мана шу ваҳшийлик ҳақида жонли гувоҳлардан маълумотларни қўлга киритадилар. Улар 23 августда Жиззахдан Самарқандга, бу ердан Мустафо Чўқаев билан биргаликда Андижонга келадилар. А.Ф.Керенский ва Тевкелев Жомеъ масжидига бориб, халойиқ билан суҳбатлашади. Уларни ўраб олган жамоа аҳли ўз дарду аламини тўкиб солади. Улар халқ билан гаплашаётганда полиция ходимларини атайин яқинлаштирмайдилар. А.Ф.Керенский нутқ сўзлаб, аҳоли талабини қондиришга ҳаракат қилишини билдиради.

У чор ҳукуматининг юргизаётган нотўғри сиёсати оқсидида мамлакатнинг ҳамма жойларида кўзғолон ва тартибсизликлар ҳукм сураётганлиги, уруш тугагандан сўнг Россияда революция кўтарилиб чор ҳукумати ағдарилиши ва сайловлар асосида подшоҳсиз ҳокимият тузилиши ҳақида гапирди.

Ўлкадаги махфий хизмат бўлимида А.Ф.Керенскийнинг Андижондаги фаолияти ҳақида ҳукуматга куйидагича ахборот берилди: "Давлат Думасининг аъзоси Трудовик фракциясининг раиси Керенский ўзининг сўзлари билан туб аҳоли орасида давлат сиёсати қарши ташвиқот юргизиш, унинг онгида миллатчилик руҳини уйғотишга ҳаракат қилди. Дума аъзолари Андижонда ўзбек, рус ва бошқа миллат вакиллари билан учрашиб, уларнинг талаби ва шикоятларига қулоқ солдилар. Аҳоли мардикорликка олиш ва унга боғлиқ ҳолда кўтарилган кўзғолонлар ҳақида ахборот берганлар. Тевкелев эса бу масалаларни ҳал этиш ишларини кутиб туришни таъкидлади".

А.Ф.Керенский "Туркистон ва Россияда ўзбек ва бошқа туб аҳолининг тақдирини ўйлайдиган руслар борлигига, туб аҳолини оддий бир

кучлар бир жойга йиғилишган. Бу ерда Думада Туркистондаги вакил бўлиши, ўлкани бошқариш такомиллаштирилиши лозимлиги, кўзғолонларнинг келиб чиқиши сабаблари ҳақида мунозара олиб борилди. Дума аъзолари бу масалаларни Дума мажлисида кўтаришга ваъда бердилар.

Сўнг улар Кўқоннинг эски шаҳар қисмига бориб, у ерда туб аҳолининг вакиллари билан суҳбатлашдилар. Айниқса, кўзғолонларнинг сабаблари ва оқибатларида, мардикорликка сафарбар этишга доир масалаларга кизиқиш билан қаралди.

Дума аъзолари Тошкентда туб аҳоли вакиллари билан учрашдилар. Сирдарё вилояти мактаблар бошқармасининг раҳбари С.М.Граменицкий ўлкада бошланғич мактабларнинг қониқарсиз аҳоли кўзғолон сабабларидан бири эканлиги ва бу масалага Думанинг эътиборини жалб этишни сўради.

Шаҳар бошлиғи Маллицкий ўлканинг барча шаҳарларида ўзини-ўзи бошқариш тизими жорий этилишини тақлиф этди. 1 сентябрда ҳам юқорида кўтарилган масалалар бўйича суҳбатлар ўтказилди. 2 сентябрь кун А.Ф.Керенский Петроградга, кейинги кун эса Тевкелев Уфага жўнаб кетдилар.

Дума аъзоларининг ўлкага келиши ва олиб борган суҳбатлари маҳаллий аҳолида император фармонининг бекар қилиниши ёки юмшатилишига ишонч ҳосил қилган эди.

Шундай қилиб, Дума аъзолари Туркистондаги аҳвол, мардикорликка сафарбарлик ва кўзғолонлар ҳақида маълумотлар тўплаб, ўлканинг манфаатини ҳимоя қилиш руҳи билан жўнаб кетганлар. Зиёлилар саъй-ҳаракати билан уюштирилган бу ташриф ва учрашувлар фармон ижросини тўхтата олмас-да, Тевкелевнинг аралашини туфайли мардикорларнинг сони 2000 кишига камайтиради. Бу эзилаётган халқ учун катта мадад эди.

1916 йил 9 сентябрда А.Ф.Керенский Туркистон генерал-губернатори Куропаткин номига

фаатларини ҳимоя қилиш зарурияти қонуний кўрсатма тайёрлангунгача мардикорликка сафарбар этишни тўхтатишни тақозо этади. Керак бўлган тақдирда мен сизга кўрганларимнинг барчасини маълум қилишим мумкин".

Бу телеграмма 18 сентябрда етиб келди, бу пайтда тайёргарлик ишлари асосан ниҳоясига етказилган эди. Бундан ташқари, А.Н.Куропаткин учун Дума аъзосининг тақлифи ҳеч қандай кучга эга бўлмай, у марказий ҳукумат раҳбарларининг кўрсатмасини инobatга олиши мумкин эди. Ҳукумат эса ҳамон император фармони бажарилишини талаб этмоқда эди. А.Ф.Керенский буни яхши англаса-да, лекин ҳукуматга нисбатан оппозицияда бўлганлиги учун ўз бурчини адо этишни лозим деб топди. Тез орада Туркистон воқеалари Давлат Думасига киритилди.

Думада мардикорликка сафарбарлик ва кўзғолонларга доир масалани кўриш декабрь ойига режалаштирилди. А.Ф.Керенский асосий маърузачи этиб тайинланди.

Дума мажлиси 1916 йил 13 декабрда очилди. А.Ф.Керенский маърузани Туркистондаги кўзғолонлар нафақат ўлка, балки бутун Россиянинг ҳаётига таъсир кўрсатганлигини баён этиш билан бошлади. Унинг таърифлашича, кўзғолонлар иқтисодиётга ва тинч ҳаётга зарба бериш билан бирга бир неча ўн минг туб аҳолининг ҳалок бўлишига олиб келди.

А.Ф.Керенский "Туркистондаги кўзғолонлар панисломистлар, немислар ёки бошқа бир мамлакатларнинг таъсирида юзага келганлиги" ҳақидаги фикрларнинг асосизлигини алоҳида таъкидлайди. А.Ф.Керенский фармонга аҳолининг салбий муносабати сабабини тушунтириб, император фармонини эълон қилиш арафасида Туркистон ўлкасида фронт эҳтиёжлари учун туб аҳолидан жуда катта ҳажмда пул ва бошқа турли нарсалар йиғиб олинганлигини, маъмурият вакиллари уларни олаётганда: "Кўпроқ бераверинглар, сизлар бошқа ҳеч қандай солиқларни тўламайсизлар, армия-



Истиқлол йилларида бунёд этилган ва этилаётган замонавий услубдаги таълим масканлари уларда олиб борилаётган ўқув-тарбиявий ишлар мазмуни жиҳатидан эътиборга молик бўлмоқда. Булардан кўзланган мақсад — халқимиз фаровонлиги йўлида муносиб хизмат қиладиган малакали мутахассислар тайёрлашдир.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожини олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрларга берилаётган билим ҳамда касбий кўникмаларнинг сифат даражасига боғлиқ десак, адашмаган бўлаемиз. Янги турдаги замонавий ўқув масканлари собиқ иттифоқ давридаги ўқув юртликлари нафақат ўзининг муҳташамлиги, балки замонавий компьютер ва ахборот технологиялари билан жиҳозланиши, балки изланувчан, талабчан, эркин фикрловчи баркамол авлодлар тахсил олаётганлиги билан ҳам тубдан фарқ қилади. Бу эса, ижтимоий ҳаётга замонавий ахборот воситаларининг кириб келиши, таълимда рақобатнинг юзага келиши, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган вазифалар маҳсули, десак муболаға бўлмайди.

Шу жиҳатдан ҳам коллежимизга 1999 йилда касб-хунар коллежи мақоми берилиши, соҳа йўналишлари бўйича тажриба-синов майдончаси этиб белгиланиши "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"даги белгиланган вазифаларни амалда синаб кўриш, уни ижобий бойитиш имконини яратди.

Айни пайтда коллежда 5 та факультет, 11 та кафедра мавжуд бўлиб, уларда 95 нафар ўқитувчи ва мураббийлар самарали меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг 46 нафари олий тоифали, 2 нафари фан доктори ва 11 нафари фан номзодларидир.



Коллежимизда ёшларнинг чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Синф хоналари замонавий техника воситалари, телевизор, кодоскоп, касса аппаратлари, видеоқўз, мультимедиа тизимлари, компьютерлар билан жиҳозланган. Ўқувчилар ҳаётини ёритиб бориш мақсадида телерадио марказ ташкил қилинган. Хорижий тилларни мукамал ўрганиш учун махсус лингафон хоналари мавжуд. Республикаимизнинг барча вилоятларидан келиб тахсил оладиган ўқув-

чи-ёшлар учун шинамгина ётоқхона бўлиб, улар учун керакли барча шарт-шароитлар муҳайё.

Маълумки, ўқувчи-ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишишларида спортнинг аҳамияти катта. Шу маънода таълим муассасамиз атрофида ташкил этилган спорт шаҳарчаси ҳамда спорт мажмуаси уларни жисмо-

# ИСТИҚЛОЛ НЪОМ ЭТГАН МКОНИЯТ

**Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи ижтимоий-иқтисодий соҳага йўналтирилган етакчи базавий таълим муассасалардан бири бўлиб, ҳозирги даврда бу ерда республикаимизда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга мўлжалланган 5 та йўналиш бўйича малакали бухгалтер, молиячи, банк, солиқ ва хўжалик ҳуқуқи ходимлари тайёрланмоқда.**

нан ва руҳан чиниқтиришда намунали хизмат қилмоқда. Аънаанага айланиб қолган спортнинг 30 тури бўйича ўтказиладиган коллеж спартакиадаси диққатга сазовордир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бутун республикаимиз халқ хўжалиги тизимида иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу соҳада етук мутахассислар тайёрлаш, академик лицей ва касб-хунар

коллежлари учун сифатли ўқув қўлланмаларини яратиш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, таълим муассасамизнинг ўқитувчи-мураббийлар жамоаси ҳам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази, Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институти ходимлари билан ҳамкорликда иқтисодий йўналишдаги касб-хунар коллежларини ўқув режа ва дастурлари, ўқув қўлланмалари, дарсликлар билан таъ-

минлашда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Бугунги кунгача коллежимиз ўқитувчилари Т.Алимов, Б.Раҳматова, М.Абдуллаев, Р.Сайдалиева, Г.Аҳмаджонова, Н.Хатамқулова, Ҳ.Вафоёва, Ф.Омонов, Ҳ.Солиевлар томонидан "Бухгалтерия ҳисоби", "Молия", "Менежмент", "Сўғурта иши", "Солиққа тортиш", "Банк иши", "Тижорат фаолияти" каби ва бирмунча бошқа йўналишлар бўйича касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш учун ўқув режа, дастурлари ва тармоқ таълим стандартлари ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, У.Иноятов, М.Абдуллаев, Ҳ.Қорахўжаевлар томонидан 2000-2001 ўқув йилида "Бухгалтерия ҳисоби" фанидан "Бухгалтерия ҳисоби" бўйича ўқув қўлланма, 2001 йилда мазкур фандан намунали дарслик чоп этилди. 2001 ўқув йилида "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқув жараёнларини ташкил этиш ва уларни такомиллаштириш" бўйича услубий қўлланма тайёрланди ва нашрдан чиқди. Буларнинг ҳаммаси коллежимиз профессор ўқитувчиларининг ўз устида тинмай ижодий излашида эканликларидан далолат

беради.

Шунингдек, коллежимизда ягона ички локал компьютер тармоғига уланган "Elektron kutubxona" мавжуд бўлиб, унда ҳар бир ўқитувчи ўзининг фани бўйича яратган маъруза матнларини жойлаштирганлар. Энг қулайи шундаки, ушбу маъруза матнларидан 40 нафардан ортиқ ўқувчилар бир вақтнинг ўзида фойдаланишлари мумкин. Компьютер саводхонлигини ошириш, Интернет тармоғидан тўлақонли фойдаланиш, хорижий тилларни чуқур ўргатишга қаратилган дастур амалда қўлланилиб келмоқда. Тажриба-синов тарзида очилган ва мутахассислик фанлари инглиз тилида ўқитиладиган "Халқаро бизнес" йўналишида таълим олаётган ўқувчиларимизнинг кун сайин иқтисодий билимларни чуқур ўзлаштириш билан бирга давлат тили, рус тили ва инглиз тилларини мукамал эгаллаётганликлари айниқса қувонарли ҳолдир.

Коллежимизда билим беришнинг самарали усулларида фойдаланиш кенг амалга оширилмоқда. Шу жумладан, замонавий илмларни мукамал ўргатиш ва уларни амалда қўллаш мақсадида тажриба-синов ишлари кенг йўлга қўйилган. Педагогларимиз дарс жараёнида фақат маърузалар билангина чекланиб қолмасдан, унинг сифатини ошириш учун компьютер технологиясидан, кодоскоп ва мультимедиа воситаларидан, ҳар хил кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланмоқдалар. Ноъбанавий дарс турлари жорий этилган. Бунинг натижасида, ўқувчиларнинг ўз мутахассисликларига бўлган қизиқишлари янада ортиб, кун сайин иқтисодий ёшларнинг кўпайишига эришилмоқда. Далил сифатида бошқа кўпгина таълим муассасалари бизнинг тажри-

## Milliy dastur — amalda



баларимизга суянган ҳолда таълим-тарбия ишларини олиб бораётганликларини айтиб ўтиш жоиз.

2002-2003 ўқув йилида фан олимпиадаларининг туман босқичида 18 нафар ўқувчимиз юқори ўринларни эгал-

лимлар куни"га бағишлаб ўқув йили бошланиши билан алоҳида тадбирлар ўтказилади. "Билимлар куни"да ўқувчиликка қабул қилинган ёшлар коллеж маъмурияти ва ота-оналари олдида тантанали қасамёд қиладилар. Шу билан бир қаторда саҳналаштирилган Мустақиллик дарслари ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинади. Навоийхонлик, Бобурхонлик кечалари каби бир қатор маънавий-маърифий тадбирларнинг ўтказилиши аънаанага айланиб қолган. Буларнинг барчаси ёшларимизнинг пухта билим олишлари билан бирга, кенг дунёқарашли ва ўткир зеҳнли бўлиб вояга етишларида дастуриламал бўлаётгани шубҳасиздир.

2002 йилда "Хотира ва қадрлаш куни" ҳамда "Қарияларни қадрлаш" йилига бағишланиб коллеж ҳовлисида "Муқаддас майдон" мажмуаси барпо этилди. Эндиликда, жаҳон илм-фанининг юксак даражада тараққий этишига ўз ҳиссаларини қўшган буюк алломаларимиз сиймолари пойида маънавий-маърифий ва миллий аҳамиятга эга бўлган байрам ҳамда тадбирлар тез-тез ўтказиб келинмоқда.

Бизда тахсил олаётган ёшларнинг бўш вақтлари ота-оналар билан биргаликда доимий назорат қилиб борилади. Коллеж Ота-оналар кенгаши ўз фаолияти билан таълим-тарбия жараёнида илм маскани маъмуриятига амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ўқувчилар ва мураббийларни керакли ахборотлар билан таъминлаш, уларнинг танаффус вақтида мароқли дам олишларини ташкил этиш мақсадида "Коллеж тароналари" радиосининг фаолияти йўлга қўйилган.

Ўқувчи-ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва руҳлантириш борасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг коллеждаги шахобчаси —



хоналари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз керак. Коллежда 3 та компьютер хонаси мавжуд бўлиб, улар ўқув машғулотларидан сўнг ҳам ўқувчи-ёшлар ихтиёрида. Шунингдек, бу ерда ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш, улар онгига Ватан туйғусини сингдириш, берилаётган билимларни мунтазам бойитиб бориш мақсадида турли хил мавзу ва йўналишлардаги маънавий-маърифий ишлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Ҳар йили "Мустақиллик байрами" ва "Би-

"Ишонч" бўлими ташкил этилган. Бу шахобча ҳозирги кунда иш фаолиятини юқори даражада олиб бормоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мунтазам олиб борилаётган мазкур ишлар натижасида коллежимизда таълим олаётган ўқувчилар амалга оширилаётган ишларимизга муносиб жавоб қайтаришга ҳаракат қилмоқдалар.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**  
Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи директори

Кўп йиллик тарихи ва бой анъаналарига эга бўлган банк жамоаси бутун тарихи давомида энг мураккаб мижоз — аҳоли билан ишлаб келди. Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан бошлаб эса мамлакатимиз иқтисодиётининг пул-кредит соҳасида ўтказилган залворли ислохотлар жараёнида Ҳукуматнинг молиявий агенти сифатида иштирок этди.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида, банк активлари 2002 йилнинг 1 июлига нисбатан 15,9 млрд. сўмга ортиб, жорий йилнинг 1 август ҳолатига 64,6 млрд. сўмни ташкил этди. Активларнинг асосий қисми ёки 14,6 млрд. сўм давлат қисқа муддатли облигацияларини сотиб олишга, 3,0 млрд. сўм бошқа банклардаги депозитларга, 13,6 млрд. сўм кредитларга, 3,2 млрд. сўм қимматбаҳо қоғозларга ва 0,4 млрд. сўм инвестицияга йўналтирилди.

Банк капитали 2002 йил 1 июль ҳолатига 9,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 август ҳолатига келиб 13,1 млрд. сўмга етказилди.

Жорий йилда банк ресурс базасини кенгайтириш мақсадида амалиётга тадбиқ қилинган "Наврўз совғаси", "Наврўз", "Орзу", Тошкент шаҳрида жорий этилган "Пойтахт" ҳамда ҳукуматимиз 2003 йилни "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши муносабати билан жорий қилинган "Маҳаллам-фаҳрим менинг", "Яхшилик ниҳоли" омонат турлари ўз самарасини берди. Уларга қисқа муддат ичида 2,1 млрд. сўмдан ортиқ маблағ жалб қилинди.

Аҳолига янги жозибали омонат турларини таклиф этиш билан бир қаторда, 2,0 млрд. сўмлик ҳар бири 1,0 млрд. сўмлик икки эмиссиядаги депозит сертификатлари муомалага чиқарилди. Жорий йилнинг 1 август ҳолатига биринчи эмиссияси ихтиёрийлик асосида аҳолига тўлиқ сотилиши таъминланди.

# ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**Халқ банки Ўзбекистон банк тизимининг энг йирик бўғинларидан бири ҳисобланади. Унинг 14 та ҳудудий филиаллари, 190 та туман (шаҳар) филиаллари, 59 та минибанк ва қарийб, 2700 дан ортиқ шахобчалари ўз мижозларига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.**

Жамоанинг қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини ривожлантириш мақсадида хўжалик субъектларининг қимматли қоғозларига инвестициялар амалга ошириш ишлари ривожлантирилди.

Иқтисодиётнинг реал сектори, шу жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, яқка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ва истеъмол бозорини кредитлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республика ҳукуматининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига бевосита кўмак бериш, ўқув юртларида тахсил олаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам кредитлар ажратилмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида талабаларнинг тўлов-контракт суммалари бўйича тўлиқ ҳисоб-китобларни Халқ банки кредитлари эвазига амалга оширилиш имкониятлари яратилди. Булардан ташқари, фуқароларга яқка тартибда уй-жой қурилиши мақсадлари учун берилган кредит қўйилмалари миқдори ҳам йил сайин ортиб бормоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган давлат дастурлари ижросини таъминлаш борасидаги ишлар кўлами ҳам кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Булардан ташқари, турли вазирлик ва идоралар нафақахўрларининг 3,0 млрд. сўмга яқин пенсия пуллари Халқ банки муассасалари орқали тарқатилмоқда.

Ҳисобот даврида аҳолидан 19,3 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги уй-жой, электр энергиясидан фойдаланганлик учун ва бошқа тўловларнинг банк кассаларига қирим қилинганлиги бир томондан муомаладаги нақд пул массасининг банкка жалб қилинишида алоҳида ўрин тутган бўлса, иккинчи томондан эса маиший хизмат корхона ва ташкилотларга нисбатан бўлган қарзларнинг кескин суръатда камайтирилишига кўмак бўлди.

Банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланаётган хорижий валюта билан ишлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 2003 йил 1 август ҳолатига хорижий валютадаги омонатлар қолдиғи 1225,0 минг АҚШ долларига етказилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик ўрнатиш борасидаги ишлар ҳам фаоллаштирилмоқда. Натижада, Жи Пи Морган Чейз банки (АҚШ), Коммерцбанк, Берлинербанк (Германия), АБН АМРОбанк (Голландия), Азия Инвест (Ўзбекистон-Россия) каби хорижий банклар билан корреспондентлик алоқалари ўрнатилди.

Қўшимча равишда, Халқ банки 2003 йил май ойида Испаниянинг Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон Жамғарма банклари институтининг 20-Умумжаҳон Конгрессида иштирок этди. Конгресс давомида Ўзбекистон ва Германия ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича тузилган шартнома талабларидан келиб чиқиб, ушбу нуфузли ташкилот ва Халқ банки ўртасида тегишли музокаралар олиб борилди ҳамда унинг махсули сифатида жорий йилнинг 6 июнида Германиянинг Халқаро Жамғарма Кассалари Фонди ва Халқ банки ўртасида ўзаро шериклик тўғрисида шартнома имзоланди. Ушбу шартнома Халқ банки тизимини ҳар томонлама ривожлантириш борасида техник ёрдам кўрсатишни назарда тутди.

Халқ банки тизимида янги хизматлар кўлами ортиб бормоқда. Унинг Халқаро жамғарма банклари Ассоциацияси, "SWIFT", "WESTERN UNION" халқаро тўлов тизимларига аъзо бўлганлиги фикримиз исботидир. Бу билан фуқароларга чет эл валютасидаги пул маблағларини жаҳоннинг исталган нуқтасига, шунингдек, республикамизга ҳам ўтказиш имкониятлари яратилди. 2003 йил 1 август ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, 15055 нафар фуқароларга 2501,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги операциялар амалга оширилганлигини кўраемиз.

Хуллас, банк жамоаси ўзининг изчил изланишлари самарасига эришмоқда. Бу эса, аҳолига Халқ банки хизматларидан кенг фойдаланиш имкониятини бераётир.

## Муҳтарам Юртдошлар!

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

# ХАЛҚ БАНКИ

1991

барчангизни Республикамиз мустақиллигининг  
12 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади!

2003

Сиз азизларга тинчлик-омонлик, оилавий бахт тилаб,  
навбатдаги янги "Орзу" — қисқа муддатли,  
ютуқли омонат турини  
ТАКЛИФ ЭТАДИ.

✓ Омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга қабул қилинади. Сиз омонатингизга ҳисобланган юқори фоизли даромадларни олиш билан бир қаторда 1 000 000 сўм бўлган ютуқ совриндори бўлиш имкониятига эгасиз.

✓ "Орзу" омонатига пул маблағлари шу йилнинг 1 октябрга қадар Халқ банкининг барча филиал ва шахобчалари орқали қабул қилинади.

**ХАЛҚ БАНКИ**

— АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ  
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН


**ЯҲОНА БАНКДИР!**

Тошкент вилоят  
**ПАХТАСАНОАТ**


худудий акциядорлик бирлашмаси

*Мамлакатимиз  
Мустақиллигининг  
12 йиллик тўйи  
барчангизга муборак бўлсин!*

*Ватан равнақи  
йўлидаги эзгу  
ишларимизни  
рўёбга чиқаришда  
Оллоҳнинг ўзи  
мададкор бўлсин!*



# САЛОҲИЯТЛИ МУТАХАССИС ЕТИШТИРИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ



Таълим тўғрисидаги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижроси ўз самарасини бермоқда. Қарши қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ҳам бу борада анчагина салмоқли ишлар кўзга ташланаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда ёшларни аграр соҳага етук мутахассис қилиб тайёрлашга жиддий киришилган. Негаки, воҳа асосан қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашгани учун ушбу соҳани чуқур тушунадиган малакали мутахассисларга эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу боис, бу ерда таҳсил олаётган ёшлар ана шу соҳанинг барча сир-асрорларини қунт билан эгаллашга астойдил киришганлар. Мутахассисликлар бўйича турли кафедралар ва кафедра филиаллари ташкил этилган бўлиб, улардаги таълим йўналишлари, ўқув-усlubий ишлар муттасил мукамаллаштирилмоқда. Коллеждаги "Аниқ ва табиий фанлар", "Тиллар", "Иқтисод

1. Таълим-тарбия беришнинг маърифий усулларига ўтиш;

2. Таълим-тарбияни миллийлаштириш;

3. Таълим-тарбия жараёнини демократлаштириш.

Коллежда таълим жараёнларини мукамаллаштириш билан бирга, маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар кўламини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган ўқув йиллари давомида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июндаги "Маънавий-маърифий ислохотларни чуқурлаштириш ва унинг чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида талайгина ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2002-2003 ўқув йилида ватанпарварлик туйғуси, миллий истиқлол ғояси асосидаги мафқуравий тарбия, ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш тадбирлари, касб-меҳнат тар-

лар уюшмаси, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан ўтказилаётган учрашувлар улар тарбиясининг тўғри шаклланишига омил бўлмоқда.

Коллежда кутубхона фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу ерда вақти-вақти билан "Конституция – бахтимиз пойдевори", "Китоб жавонгизга", "Президент асарларини ўрганамиз", "2003 йил – Обод маҳалла йили" каби кўргазмалар ташкил этилади. Шоир ва ёзувчиларнинг таваллуд кунлари муносабати билан турли бадиий кечалар, кўрик-танловлар ва китобхонлик конференциялари ўтказилади. Ана шундай тадбирларда мунтазам иштирок этиб, фахрли ўринларни олиб келган коллеж ўқувчиси Юлдуз Муродова "Энг яхши китобхон" деб топилди. Бу эътироф албатта таълим муассасаси жамоаси учун ҳам фахрдир.


— Биз фақатгина қишлоқ хўжалиги учун мутахассис тайёрлабгина қолмай, балки уларни маънавий руҳда камол топтириш, зийрак ва теран тафаккур эгалари қилиб тарбиялашга диққат-эътиборимизни қаратганмиз, — дейди коллеж директори Ибодулло Сайдуллаев. — Бизда таълим олиб чиққан ёшлар ватанимиз, халқимиз учун меҳнат қилишларида ўз билим ва тажрибаларига таянган ҳолда фаолият юритишлари учун барча шароитларнинг муҳайёлиги қувонарли ҳолдир.

Дарҳақиқат, коллежнинг 108 нафар ўқитувчидан иборат услубий бирлашмаси ҳам 6 та кафедра билан узвий алоқада. Ўтган ўқув

тидан, У. Азизовнинг ЭҲМдан маъруза матнлари намунали деб топилди. Янги ўқув йилига ҳам коллеж ўқитувчилари таълим самардорлигини ошириш учун ўз ижодий ва илмий фаолиятларига суюнган ҳолда тинимсиз саъий-ҳаракатлар олиб бормоқдалар.

Коллеж педагог ва муҳандис-педагогларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлашнинг 2010 йилгача истиқболли режаси мавжуд. Жорий йилда 14 нафар ўқитувчи турли малака ошириш курсларида ўқиб қайтишди. Ўтган ўқув йилида коллежнинг касбий тайёргарлик бўйича директор муовини З. Қобилов Япония давлатида малака оширишда бўлди. У сафар давомида кунчиқар юртнинг қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассислар тайёрлайдиган таълим муассасаларидаги ша-

бўйича 2002-2003 ўқув йилидаги режа тўлиқ бажарилди. Келтирилган фойда ҳисобидан ўқув хўжалигидаги мавжуд амалиёт кабинетлари таъмирланди. Коллеж моддий базасини мустаҳкамлаш учун керакли жиҳозлар ҳамда техник эҳтиёт қисмлар сотиб олинди. 50 гектар майдон сифатли текисланди. Пахтанинг "Бухоро-6" навидан ҳар гектар ердан 32, бугдойнинг "Уманка" нави экилиб, 30 центнердан ҳосил олинди. Ўқув хўжалиги 2002 йилни 1583,3 минг сўм фойда билан якунлади. Бу йил ҳам режадаги ишлар ошиғи билан бажарилишига киришилмоқда. Бу йилги фойда ҳисобидан чорва моллари зотини яхшилаш ва кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Хуллас, амалиёт дарслари жараёнида ўқувчилар ўқитувчилар билан ҳамкорликда экинларни



роитлар билан обдон танишиб, талайгина тажрибага эга бўлиб қайтди. Касбий таълим бўйича ўқитувчи Р. Чоршанбиев эса ушбу давлатнинг Гумма ҳамда Миязаки шаҳарларида ҳозирда ўз малакасини оширмоқда. Бундан ташқари аксарият педагоглар доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларида мунтазам равишда қатнашиб келмоқдалар. Уларга юқори малакали, илғор тажрибага эга бўлган ўқитувчилар бириктирилган. Аксарият профессор-ўқитувчилар Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтига тегишли. Режа асосида уюштирилган информатика ва касбий тайёргарлик бўйича курсда қатнашганлар 20 дан ошқ услубий иш қилишди ва улар УМКХТ вилоят бошқармасига тақдим этилди.

Таълим муассасасининг бюджетдан ташқари даромад манбаи мавжуд бўлиб, у асосан ўқув-ишлаб чиқариш хўжалигидан олинади. У ердаги 30 гектар пахта, 30 гектар донли экинлар ҳамда 12 гектар мевали боғлардан етиштирилган ҳосил

яхшилаб парвариш қилиш ва юқори сифатли маҳсулот етиштириш бўйича изланиб, ўзлари учун ҳам катта тажриба тўпламоқдалар. Ўйлаймизки, бундай яратилган шароитлардан тўғри фойдаланаётган, эртанги фаровон турмуш тарзини олдиндан кўра билишга интилаётган ва бу йўлда тинимсиз ўқиб-ўрганаётган ёшларимиз нафақат ўзлари учун, балки давлат ва халқимиз манфаатларини биринчи ўринга қўядиган етук мутахассислар бўлиб етишажак. Ҳа, бу ердаги имкониятлар ўқувчи-ёшларнинг билимини чархлаш билан бирга тадбиркор ва ҳаракатчан қилиб тарбиялашга ишончимиз комил. Бу йўлдаги ибратли ишларга бош-қош бўлаётган коллежнинг педагогик жамоаси ҳамда раҳбариятининг салмоқли ишлари ривож топавериши тарафдоримиз. Бундай масъулиятли ва шарафли касб эгаларининг меҳнатлари халқимиз эъзозига сазовордир.

Ғофур ЖАБИЕВ,  
"Ma'rifat" мухбири




фанлари", "Ижтимоий-гуманитар фанлар", "Қишлоқ хўжалик фанлари", "Техника ва стандартлаштириш фанлари" кафедраларининг иш услублари бунга мисол бўла олади. Уларда Қарши давлат университети ҳамда Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг таълим жараёнлари билан узвий уйғунлик борлигини кузатдик. Таълим муассасасида жами 1803 нафар (шулардан коллеж гуруҳларида 1165 нафар, тўлов-шартнома асосида эса кундузги гуруҳда 110 нафар, сиртки гуруҳда 528 нафар) талаба таҳсил олишади.

Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш ва аҳолига билим беришнинг замонавий усул ва услубларини яратиш талабларидан келиб чиқиб, коллежда бу борада қуйидаги уч тамойилга алоҳида эътибор қаратилган:

бияси, оилапарварликни шакллантириш каби жараёнлар тўлиқ қамраб олинган тадбирлар изчил ўтказиб келинади. Ҳар йили мунтазам равишда мамлакатимиз бўйлаб нишонланадиган миллий байрамларимиз, қолаверса, тарихий саналар муносабати билан таълим муассасасида ҳам уларга бағишланган турли хил тадбирлар ўтказиб турилади. Булар албатта ўқувчи-ёшларимизда ота-боболаримиз меросига ҳурмат, ўтмишни тўғри англаш ва бугунги ҳурлик замонининг қадрига етиш каби туйғуларни шакллантиради. Ана шу мақсадда коллеж ўқувчи-ёшларини "Эски мачит", вилоят мусикали драма театрлари, "Насаф" ўйингоҳи ва турли истироҳат боғларига доимий равишда томоша ва саёҳатларга олиб чиқилмоқда. Шунингдек, вилоят ёзувчи-

## Kasb-hunar kollejlari

йилида мазкур бирлашмада 5 марта йигилиш ўтказилди. Унда таълим йўналишларига эътибор, маъруза матнларини ёзиш ва тайёрлашга қўйиладиган талаблар, очиқ дарслар, фан олимпиадаларига тайёргарлик кўриш, тажрибали ўқитувчилар фаолиятини оммалаштириш каби қатор масалалар кўриб чиқилди. Услубий бирлашма аъзолари вилоят миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ва илмий-амалий конференцияларда ўз ўқувчилари билан фаол иштирок этишди. Ўқув йили давомида фан ўқитувчилари очиқ дарсларни унумлироқ ташкил қилишга эришдилар. Масалан, "Техник фанлар" кафедрасидан Х. Турдиев, Р. Чоршанбиев, Ж. Алманов, "Қишлоқ хўжалик фанлари" кафедрасидан А. Саматов, Б. Шоймардонов, "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедрасидан Х. Номозова, Н. Чориев, З. Хушвақтов, "Тиллар" кафедрасидан Г. Пўлатова, "Аниқ ва табиий фанлар" кафедрасидан А. Чўпонов, Н. Тошевлар ўзлари ўтадиган фанлардан очиқ дарслар ўтказишиб, ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишларини янада оширишда жонбозлик кўрсатишди. Айниқса, А. Чўпонов, Б. Эшматов, О. Худойқуловларнинг "Информатика" фанидан, Б. Номозова ва Х. Номозоваларнинг "Ўзбекистон тарихи" фанидан, З. Хушвақтовнинг "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанидан, Х. Турдиевнинг "Иқтисодий таҳлил" фанидан тайёрлаган 100 соатлик ўқув амалий ишланмаси, Г. Омоновнинг она тили ва адабиёт-



**АРОФАТ ЧАКИРИФИ БЕСАМАР КЕТМОҚДА**

Ёсир Арофат Фаластин жангариларини Исроил билан сулҳ тузишга чақирди, дея хабар тарқатди "Reuters" ахборот агентлиги.



Арофат террорни амалга ошираётганларга мурожаат қилиб, ўт о ч и ш н и тўхтатиш ва "Йўл харитаси" режасини рўёбга чиқариш учун имконият беришини илтимос қилган. Бирок, Арофатнинг бу чиқиши Тель-Авивда кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. АҚШ Арофатни яна бир бор лавозимидан воз кечишга ва ҳокимиятни Маҳмуд Аббосга топиришга ундаган.

Мухториятдаги экстремистик гуруҳлар раҳбарлари эса Ёсир Арофатнинг чақириғига парво ҳам қилишгани йўқ.

**ТОНИ БЛЭР ТЕРГОВ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРМОҚДА**

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр мамлакат мудофаа вазирлиги ходими Дэвид Келлинг ўлими билан боғлиқ тергов саволларига жавоб берди. Бундан аввал мудофаа вазири Жефир Хун ҳам сўроқ қилинганди.

Тони Блэр шу кунгача Кариб оролларида меҳнат таътилини ўтказётган эди. Лекин, таъ-

тили тугамасдан олдин қайтиб, адвокати билан келишиб олди.

Маълумки, Дэвид Келли АҚШ маъмурлари билан Саддам Хусайнни айблаш масаласида келиша олмай қолиб, ўз жонига қасд қилганди.



**ПЕКИН УЧРАШУВИДА 6 ДАВЛАТ ВАКИЛЛАРИ**

Шу кунларда Пекин шаҳрида Шимолий Кореянинг ядровий муаммолари юзасидан музокаралар бўлиб ўтмоқда. Аини пайтда жаҳон ҳамжамияти музокараларнинг қандай яқун топишига бутун эътиборини қаратмоқда.

Хабарингиз бўлса, жорий йилнинг апрель ойида ҳам Пекинда мазкур масала юзасидан уч томонлама музокаралар бўлиб ўтган эди. Бу галги учрашувнинг фарқли томони шундаки, унда олти давлатдан келган вакиллар қатнашмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг тарқатаётган хабарларига қараганда, Пекин анжумани доирасида АҚШ ва КХДР вакиллари ўртасида икки томонлама учрашувнинг ўтказилиши ҳам режалаштирилган.



**БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗГИН ТУС ОЛАДИ**

28 август куни Франциянинг Монако шаҳридаги "Грималди Форум" саройида Европа чемпионлар лигасининг 2003-2004 йилги баҳслари гуруҳ босқичига қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Шуниси эътиборга моликки, ушбу баҳсларда мамлакатимиз мил-

лий терма жамоаси аъзолари — Максим Шацких иштирок этаётган "Динамо" (Киев) жамоаси ҳамда Владимир Маминов ва Олег Пашининлар тўп сурадиган "Локомотив" (Москва) жамоалари бир гуруҳда қатнашадиган бўлишди.

Қуръа натижалари эса қуйидагича:

<b>"А" гуруҳи</b> Селтик Лион Андерлехт Бавария	<b>"В" гуруҳи</b> Интер Динамо К Локомотив Арсенал	<b>"С" гуруҳи</b> Монако АЕК Депортиво ПСВ Эйнхховен	<b>"Д" гуруҳи</b> Олимпиакос Ювентус Галатасарой Реал С
<b>"Е" гуруҳи</b> Панатинаикос Г.Рейнжерс Штутгарт МЮ	<b>"F" гуруҳи</b> Порту Реал М Марсель Партизан	<b>"G" гуруҳи</b> Лацио Спарта Челси Бешиктош	<b>"Н" гуруҳи</b> Сельта Милан Аякс Брюгге

**КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ**

Хафта ўртасида эса мамлакатимиз миллий чемпионатининг 20-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Натижалар билан танишинг: "Навбахор"— "Насаф" 4-0, "Нефтчи"— "Бухоро" 5-3, "Самарқанд-Д"— "Андижон" 2-1, "Трактор—Кўқон— 1912" 3-1, "Гулистон"— "Цементчи" 1-1, "Машъал"— "Сурхон" 2-0.

**Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув-методика Марказида 2003 йилнинг сентябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:**

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари курси. 2-29 сентябрь (24 кун)
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари курси. 2-29 сентябрь (24 кун)
3. Мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарлари курси. 2-19 сентябрь (18 кун)

**ЭСЛАТМАЛАР:**

1. Тингловчилар Марказининг янги таъмирланган, шинам, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхонасига жойлашадилар. Марказ қошидаги кутубхонадан фойдаланадилар. Машгулотлар республикадаги таниқли педагог олимлар, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, малакали, етук мутахассислар томонидан олиб борилади.
2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари лозим.
3. Тингловчиларнинг хизмат сафари харажатлари Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув-методика Маркази ҳисобидан тўланади.

Манзил: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй.

**ИРОҚДА ЖОРЖ БУШ ТУГИЛДИ**


Бағдод шаҳридаги янги оилада чақалоқ туғилди. Унинг исмини Жорж Буш деб қўйишди. Чақалоқнинг ота-онаси, Саддам Хусайн диктатурасидан қутқарган шахс — Жорж Буш номини ўз фарзандимизга қўйишни шарафли деб ҳисоблаймиз, дея таъкидлаганлар.



Чақалоқнинг тўлиқ исми Жорж Буш Абдул Қодир Фарис Абеҳ ал-Хусайн. Чақалоқ отасининг айтишига қараганда, агарда оиласида яна бир ўғил туғилса, унинг исмини Тони Блэр қўйишар экан.

**ТЕЛЕФОН МУЛОҚОТЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Куни кеча Нью-Йорк порт бошқармаси 11 сентябрда "Жаҳон савдо маркази"даги фалокат пайтида бўлган ўзаро телефон мулоқотлари магнит лентасини оммавий ахборот воситаларига тақдим этиши ҳақида қарор қабул қилди.



Дастлаб порт раҳбарияти гаплашувларни чоп этишга қарши эди, лекин суд қарорига кўра, маълумотларни ОАВга топширишга мажбур бўлди.

2000 бетдан иборат бу ҳужжат омманинг ихтиёрига берилиши шарт, деб қарор қилди суд. Унда 36 нафар одамнинг ўзаро гаплашувлари акс эттирилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Жаҳон Савдо Марказида жойлашган порт бошқармаси офисида ёзиб олинган. Порт бошқармаси ўша куни 84 нафар ишчисини йўқотган эди. ЖСМда қурбон бўлганлар сони эса 2792 одамни ташкил этганди.

Кўнғироқларда асосан бақир-чақир ва одамларнинг пастга қараб сакраётганлари, ён атрофда жуда кўпгаб ўлганлар жасадлари ётгани ҳақида гапиришади. Энди бутун Америка бу ҳужжатлар билан танишиш имконига эга бўлади.

**ГУСИНСКИЙ 100 МИНГ ЕВРОГА ҚАМОҚДАН ҚЎЙИБ ЮБОРИЛДИ**

21 август куни Грециянинг пойтахти Афинада ушланган Владимир Гусинский 100 минг евро пул эвазига қамоқдан қўйиб юборилди. Бу ҳақда унинг адвокати хабар берди. Гусинский энди суд бўлишини Афинанинг меҳмонхоналаридан бирида кутади. Грециянинг Россия билан муносабати яхши, лекин Гусинскийнинг Россияга қайтарилиш-қайтарилмаслигини суд ҳал қилади. Суд яқин ҳафталар ичида бўлиб ўтиши керак. Россия прокуратураси Гусинскийни қайтариш ҳақида сўровнома юбормаган. Суднинг чўзилишига сабаб, ҳамма ҳужжатлар грек тилига таржима қилиниши керак.



**Давлат божхона кўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти ўқитувчи-профессорлик лавозимларига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Олий ҳарбий божхона институти иқтисодий фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар, юридик фанлар ва ахборот-технологиялари фанлари кафедраларининг ўқитувчи-профессорлик лавозимларига ёши 45 дан ошмаган, илмий унвонга эга номзодларни танловга тақлиф этади.

**МАНЗИЛ: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани Қозиробод 2-тор кўчаси (мўлжал "Ёшлик" метро бекати).  
Маълумот учун телефон: 144-96-43**

А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти жамоаси Қашқадарё вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори С.Тошевга онаси **БИНИОР** аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, қасаба уюшма кўмитаси ва ўзбек филологияси факультети жамоаси кафедра мудири, профессор Ҳ.Болтабоевга онаси **ЭЪТИБОРХОН** аянинг вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

## ТҮЙ ХАТИ

Хулё-хулё кўнгиллари  
Кечиб келар сурудимсан.  
Хулво-хулво маъволардан  
Ичиб келар худудимсан.  
Аё, менинг тилларимда  
Кўчиб юрган дурудимсан,  
Тунлар кўксим нимталаган —  
Шеърятим - бехудимсан!

Умримда ёз оқмоқда,  
Саратоним оқмоқдадир,  
Мустақиллик тўйга қараб  
Тўртта ёним оқмоқдадир,  
Узв-азомдан сизиб ётган  
Чак-чак жоним оқмоқдадир,  
Томиримда эранларнинг  
Шаҳид қони оқмоқдадир.


Яссавийга хузур берган  
Узлатимдирсан сен менинг,  
Оломондан халққа кўчган  
Ҳижратимдирсан сен менинг.  
Юрт сўраган момоларим,  
Хислатимдирсан сен менинг,  
Алпомиш кўриқлаб ётган  
Исмадимдирсан сен менинг.

Уфунатли кунлар кечди,  
Ҳамон мунглиғ хотиротлар...  
Ҳамонки бузург тарихнинг  
Кўксига тиг-жароҳатлар,  
Қалам тутсам, балокашли —  
“Ё, Ҳақ!” деган фиғон додлар,  
Қоғоз узра туриб кетгай  
Машраб, Чўлпон, Кубро зотлар.

Андозага сиғмаганлар  
Овозига сиғмай кетди,  
Усмон чакмоқ юрагига —  
Парвозига сиғмай кетди,  
Қодирийлар довотиға —  
Қоғозига сиғмай кетди,  
Чўлпон қулоч отди, ўлчов —  
Тарозига сиғмай кетди.  
Қор мулкига ҳайдалди эрк,  
Бўйнидадир “гуноҳ”лари,  
Дор мулкида Машрабимнинг  
Қачқулию қулоҳлари,  
Зор мулкида қолди Фурқат,  
“Ватан!” дея алаҳлади,  
Ор мулкининг минорлари,  
Чинорлари каллаканди!

“Ҳақ олингай, берилмагай!”  
Бу Ҳақ ёзган азмойишдир,  
Ровийлар демишки, ризқ ҳам  
Интилганга бахшойишдир,  
Ҳаққи кўриқланган Ватан  
Осойишли, оройишли,  
Беклик яшар тийнатингда  
Намойишли, намойишли!

Тириклигим физосисан  
Ҳаётнинг тотиги — Ватан,  
Ҳақнинг ҳукм, ризосисан  
Юракнинг ботиғи, Ватан,  
Жоннинг Масих Исосисан  
Бир нафас атиги, Ватан.  
Кўнглимнинг жон физосисан  
Сўзимнинг ётиги, Ватан!  
Юрагингдан йўл тилабсан,  
Буюк Ипак Йўлинг келмиш,  
Бўй чўзибсан, етилибсан,  
Баланд басту бўйинг келмиш,



Тўй боладай тўн кийибсан  
Бугун мучал тўйинг келмиш,  
Жон садқаси — алёрларинг,  
Ўланларинг, куйинг келмиш.

Рубъи маскун назми аро  
Навий сайроғим, Ватан.  
Сўз меърожин сайр этарга  
Шеърят — буроғим Ватан.  
Қаламимни тарашлаган,  
Қайраган қайроғим Ватан.  
Ишқ одамийга туғрою  
Муҳаббат байроғим Ватан!  
Беҳзод бўлиб чизаяпман —  
Ҳайратим тарҳини бугун,  
Навийдек юзаяпман.  
Сиришким нахрида бугун,  
Бобур каби ёзаяпман.  
Ватаннинг мадҳини бугун,  
“Чах-чаҳ” куйлаб узаяпман  
Кўнгилнинг маҳрини бугун!..

Муҳаббат ТҮХТАШЕВА,  
Иштихон туманидаги 24-мактаб  
она тили ва адабиёти фани  
ўқитувчиси

Bayram  
mushoirasiОЗОД ЮРАК  
ЖАРАНИҲИ

Бир лаҳза кўзингга сиғмайди осмон,  
Рухинг тархларига дунё бўлар лол.  
Мушфиқа суманлар тўлганган замон,  
Олис юрагингга уммон бўлиб қол,  
Унда гул очмоқда буюк Истиклол!

Хазоний боғларга қайтди баҳорлар,  
Сурмаранг шомларни қийнайди савол.  
Сахарлар роҳида синса озорлар,  
Озурда юракка оҳанг бўлиб қол,  
Унда жаранглайди буюк Истиклол!

Румий хаёлларга инмоқда кўнгил,  
Улуғ руҳлар бунда бўлгайдир тимсол.  
Сужудий оҳлардан ёнар экан дил,  
Озод юрагингга самар бўлиб қол,  
Унда яшамоқда буюк Истиклол!

Нигора УСМОНОВА

## МУБОРАК БЎЛСИН!

Мучал ёшга етган буюк диёрим,  
Бахту саодатинг муборак бўлсин!  
Таърифинг куйларман кўлимда торим  
Нурафшон кунларинг муборак бўлсин!

Кундан-кун очилар, хуснинг-жамолинг,  
Соғлом авлодларинг қаддинг-камолинг,  
Бугун барча кутлар улуг айёминг,  
Истиклол байраминг муборак бўлсин!

Гулзорга айланди сахро йўлларинг,  
Мустақиллик кенг ёритди йўлларинг,  
Кароматли бузрукларинг, пирларинг,  
Кутлуғ қадамларинг муборак бўлсин!

Баҳромбек РЎЗМЕТОВ,  
Хива туманидаги 33-мактаб илмий  
бўлим мудир

ЭЙ ЎЗБЕК,  
ЎЗБЕГИМ

Сен — Турк ибн Ёфас — Машрик султони,  
Энасой битикда ёрлуқли шони,  
Тўмарис қиличи — Ватан виждони,  
Широқнинг саҳройи қаҳқаҳа қони,  
Эй ўзбек, ўзбегим — қалбим наъраси,  
Сендурсан башарнинг асл сараси!

Тупроғинг ҳар қати бир азизга жой,  
Алломалар ўтди номдор, ҳойнаҳой,  
Ҳар даҳа, гузаринг — бир Маъмун сарой,  
Оврупа чангали қаддинг букмиш ёй...  
Эй ўзбек, ўзбегим — муқаддас камон,  
Оламга нур бўлиб отилган пайкон!

Тақдиринг ёзилмиш тўфонга минг бор:  
Бобурларинг қолди ўзга юртда зор!  
Фурқатлар қисмати нолаю абгор,  
Усмонлар даҳосин юлиб кетди дор,  
Сен бўлдинг ўзбегим — шудгорланган тан,  
Кузгунлар чўқиган қонталаш Ватан!

Кун келди! Ватаним — фахр гултожи,  
Бу кун парчаланган қуллик оғочи,  
Дунёга бўй чўзар эркнинг қулочи,  
Бошингга кийилди истиклол тожи,  
Эй ўзбек, ўзбегим — бошда хумоси,  
Абадий порласин хурлик зиёси!

Тўрабек ЖИЯНОВ,  
Жалакудуқ туманидаги 15-мактаб  
ўқитувчиси

## БАХТИЁР АВАОД

Эзгуликка бешиксан, Ватан,  
Қалдирғочлар ин қурган диёр.  
Хумо қушинг бошингда мағрур,  
Яшнайверсин истиклол — баҳор.

Истиклолнинг гунчасидирман,  
Ҳали олдинда гўзал ҳаёт.  
Ота-онам эркасидирман,  
Хур Ватанда бахтиёр авлод.

Нафиса МУРОТОВА,  
Пайарик туманидаги 20-мактаб  
ўқувчиси

## ХУМО ҚУШИМ

Эртақларда сен намоён,  
Мардга ҳамроҳсан ҳар он.  
Эзгулик сочдинг ҳар ён,  
Сеҳр кучинг чексиз қарвон,  
Хумо қушим, бахт қушим.  
Парвоз айла доим эркин,  
Юртимни сен шодон кезгин.  
Номардларга зарб бер кескин.  
Яхшиликни насиб этгин,  
Хумо қушим, бахт қушим.  
Сен тинчликнинг элчисисан,  
Хурлик, бирлик куйчисисан.  
Сен бор жойда хуррамлик бор,  
Тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик бор  
Хумо қушим, бахт қушим.

Сурайё РЕЖАПОВА,  
Тошкент туманидаги 22-мактаб  
ўқитувчиси

## Ma'rifat

ТАЪСИС  
ЭТУВЧИЛАР:  
Ўзбекистон Халқ  
Таълими вазирлиги,  
Ўзбекистон Олий ва  
ўрта махсус таълим  
вазирлиги, Таълим ва фан  
ҳодимлари касаба  
уюшмаси Марказий  
Кўмитаси.

Бош муҳаррир:  
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ,  
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром  
БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),  
Шукур ЖОНБОВ, Фахриддин  
КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой  
МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,  
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир  
ўринбосари), Хулқар ТҮЙМАНОВА,  
Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла  
ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси  
Давлат Матбуот Кўмитасида  
№ 20 рақам билан 12 июнь  
1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-726.  
Тиражи 19380. 1 2 3 4 5 6  
Ҳажми 4 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган,  
қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:  
Нурлан УСМОНОВ.  
Навбатчи:  
Давронбек ТОЖИЛИЕВ.

«Ma'rifat»-дан материалларни кўчириб босиб  
тахририят руҳати билан амалга оширилиши шарт.  
Тахририятга юборилган материаллар муаллифга  
қайтарилмайди.

© белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий  
таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мак-  
табдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —  
136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янги-  
ликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим  
янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналти-  
риш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими —  
136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида  
Лилия БИНАШЕВА  
ва Малоҳат ТОШОВА  
саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акционерлик компанияси  
босмаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон»  
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.  
Топширилди —